



# Поётда

ГАЗЕТА 1930 йил 12 МАЙДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • Ўзбекистон Республикаси ИИВ нашри • 2003 йил 6 февраль, пайшанба • 6 (3482)-сон

9 февраль – Алишер Навоий таваллуд топган кун

**ИНСОН ҚАЛБИНИНГ ҚУВОНЧУ ҚАЙҒУСИНИ, ЭЗГУЛИК ВА ҲАЁТ МАЗМУНИНИ НАВОИЙДЕК ТЕРАН ИФОДА ЭТГАН ШОИР ЖАҲОН АДАБИЁТИ ТАРИХИДА КАМДАН-КАМ ТОПИЛАДИ.**

Ислон КАРИМОВ.



*Хуб эл била суҳбат тутубон хуб ўлғил,  
Яхшини талаб қилғилу матлуб ўлғил;  
Ширин сўз ила халққа марғуб ўлғил,  
Юмшоқ де ҳадисингнию маҳбуб ўлғил.*

*Ҳар кимки чучук сўз элга изҳор айлар,  
Ҳар нечаки агёр дурур ёр айлар;  
Сўз қаттиғи эл кўнглин озор айлар,  
Юмшоғи кўнгилларни гирифтор айлар.*

Алишер НАВОИЙ.

## Халқаро алоқалар

### ҲАМКОРЛИК МУСТАҲКАМЛАНАДИ

Республика ИИВ Жазони ижро этиш Бош бошқармасида Халқаро Қизил Хоч кўмитасининг Марказий Осиёдаги ваколатхонаси раҳбарларининг мамлакатимиз ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ва Олий Суди вакиллари билан учрашуви бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон Ҳукумати билан мазкур халқаро ташкилот ўртасида 2001 йил 17 январда тузилган битимнинг бажарилиши билан боғлиқ масалалар

муҳокама қилинди. Битим маҳкумлар ва маҳбусларга нисбатан инсонпарварона муносабат, бу борада кўмитанинг маънафатдор вазирликлар ва идо-

ралар билан ҳамкорлиги каби масалаларни ўз ичига олади.

Учрашув қатнашчилари ҳамкорликни бундан буён янада ривожлантириш истагини билдирдилар. Учрашувда Халқаро Қизил Хоч Кўмитасининг Марказий Осиёдаги ваколатхонаси раҳбари Пьер-Андре Коно, республика Ички ишлар вазири ўринбосари, ички хизмат генерал-майори Р. Қодиров, Олий Суд раиси ўринбосари Б. Жамолов, республика Ташқи ишлар вазирлиги, Прокуратураси, Миллий хавфсизлик хизмати ва ИИВ масъул ходимлари қатнашишди.

**М. ГУРЕВИЧ,**  
ички хизмат полковниги.

## ПРЕЗИДЕНТНИНГ ЯНГИ КИТОБИ

Ўзбекистон Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Ислон Каримовнинг куни кеча “Ўзбекистон” нашриётида чоп этилган “Миллий армиямиз – мустақиллигимизнинг, тинч ва осойишта ҳаётимизнинг мустаҳкам кафолатидир” деб номланган рисоласида миллий армиямизнинг мустақил Ватанимиз тараққиётидаги ўрни, унинг ташкил топиш тарихи, Қуролли Кучларимизда амалга оширилаётган ислохотлар жараёни атрофлича таҳлил этилган. Армияда аскар ва офицерлар орасида олиб бориладиган маънавий-маърифий ишларнинг мазмун-моҳияти ҳақида янгича қарашлар илгари сурилган.



Маълумки, хавфсизлик ва барқарорликка таҳдид солувчи хавф-хатарлар тобора кучайиб, халқаро террорчилик ва экстремизм хавфи ортиб бораётган бугунги мураккаб дунёда замонавий талабларга тўлиқ жавоб берадиган, Ватанимиз мустақиллиги, халқимиз тинчлиги, сарҳадларимиз дахлсизлигини ишончли ҳимоя қилишга қодир бўлган миллий армияни шакллантириш вазифаси муҳим аҳамият касб этмоқда. Китобда ана шу долзарб масалани ҳал этиш йўллари кенг очиб берилган.

Ушбу рисолада давлатимиз раҳбари миллий армиямиз тарихи халқимизнинг истиқлол тарихи билан узвий боғлиқ эканини алоҳида таъкидлайди. Кейинги йилларда шаклланган қадриятлар, айниқса, Ватан ҳимоячилари куни байрами ўзида истиқлол руҳини, халқимиз асрлар давомида интилиб келган эзгу ғояларни мужассам этиши, шу боис бу кунни биз учун энг улуғ, энг азиз айём бўлиши Мустақиллик шодиёнаси каби умумхалқ байрами сифатида нишонлашимиз лозимлигига эътиборни қаратади.

Китобда бугунги кунда миллий армиямиз сафида хизмат қилаётган ҳарбийларимиз нафақат жисмонан бақувват, энг замонавий ҳарбий техника ва технологияларнинг сир-асрорини пухта эгаллаган бўлиши, айни вақтда юксак ақл-заковати, интеллектуал салоҳияти, мустаҳкам иродаси, ўз халқига садоқати каби олижаноб хусусият ва фазилатлари билан ажралиб туриши лозимлиги, бунинг учун эса Қуролли Кучларимизда маънавий-маърифий ишларни кучайтириш зарурлиги алоҳида таъкидланади.

Бу вазифани бажаришда эл-юртимизга фидойи ва садоқатли, ҳақиқий ватанпарвар, чуқур билим ва катта ҳаёт тажрибасига эга бўлган инсонларга, сиёсатшунос ва тарихчи олимлар, ижодкор зиёлилар, оммавий ахборот воситалари ходимлари, Қуролли Кучларимиз фахрийларига таяниш лозим.

Президентимиз, миллий армиямизни халқимиз учун том маънодаги ғурур-ифтихор манбаи, униб-ўсиб келаётган ёш авлод учун чинакам ҳаёт мактаби бўлиб қолишни истаган ҳолда, ўз китобини катта умид-ишонч ифодаси бўлган шундай даъваткор сўзлар билан якунлайди:

“Менинг эзгу орзуим шуки, армиямиз халқимиз, миллатимизнинг минг йиллар давомида шаклланган асл қиёфаси, азалий қадриятлари ва хислатларини ўзида мужассам этсин, унинг сафларида хизмат қиладиган фарзандларимиз ўзи тугилиб ўсган, вояга етган, ота-боболарининг хоки ётган муқаддас заманимизга бир умр садоқатли бўлсин.

Мабодо тақдир тақозо қилиб, кураш майдонига тушганида ҳар қандай ёвуз куч ва босқинчиларга бас кела оладиган замонавий, қудратли армиямизни кўриш бахти барча юртдошларимиз қаторида менга ҳам nasib этсин”.

Мазкур рисоладан давлатимиз раҳбарининг юртимизда яқинда катта байрам қилинган Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан миллий армиямизда фарзандлик бурчини ўтаётган аскар ва сержантлар, офицер ва генералларга, ўз ҳаётини ҳарбий соҳа билан боғлаган барча юртдошларимизга йўллаган табриги ҳам ўрин олган.

(ЎЗА).

**UCHINCHI** «Поётда» gazetasing ilovasi  
TANIQLI KISHILAR BILAN UCHRASHUV, HAJVIYA, XANDALAR, KROSSVORD, SKANVORD, MUNAJJIMLAR BASHORATI, HAYRATOMUZ VOQEALAR, SPORT YANGILIKLARI, INTERNET XABARLARI  
**TV O'ZLAM**



## Қарор ва ижро

Республика Вазирлар Маҳкамасининг экинларнинг пайхон қилинишига қарши курашни кучайтириш борасидаги Қарорининг ижросини таъминлаш мақсадида вилоятимизда қатор тадбирлар белгиланган. Галла майдонларига турли транспорт воситалари кирмаслиги учун сўқмоқ йўлларни тўсиқлар билан беркитиш чоралари кўрилди. Экинларни пайхон қилиш ҳоллари юз берганда айбдорларга нисбатан ҳужжатлар расмийлаштирилиб, тегишли идораларга юборилмоқда.

ЭРТАНГИ КУН  
МАСЪУЛИЯТИ

Анджон вилояти бўйича 74000 гектар майдонда галла етиштирилмоқда. Экинзорларни кўриқлаш учун 5263 нафар дала қоровуллари ва 300 дан ортиқ отлик қоровуллар жалб этилган. 1022 та кузатув пунктлари ишлаб турибди. Қоровулларни от билан таъминлаш масаласида хўжаликлар имкон қадар ёрдам бермоқдалар.

Вилоят ички ишлар идоралари ходимлари хўжалик ва маҳаллалар фаоллари билан пайхон ҳолатларини аниқлаш ва унинг олдини олиш юзасидан рейдлар ташкил этишяпти.

Галла эртанги кунимиз фаровонлигини таъминловчи асосий омилдир. Шу боис экин майдонларини асраб-авайласак, эртага дастурхонимиз тўкин бўлишини унутмаслигимиз зарур.

**Б. АЗИМОВ,**  
милиция катта лейтенанти.

## ТУЗОҚҚА ИЛИНИШДИ

Республика Вазирлар Маҳкамасининг "Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига товарлар олиб келинишини тартибга солиш тўғрисида"ги Қароридан моддий-товар бойликларини ноқонуний айланишига қарши кураш, шахсларнинг белгиланган тартибда рўйхатдан ўтишдан бўйин товлаб, назорат қилинмайдиган даромад топишининг олдини олиш масаласида ҳуқуқ-тартибот идоралари зиммасига катта масъулият юклатилган.

Бироқ бу борада кўрилатган чоратадбирларга қарамай айрим шахслар айланма йўллар орқали республикамизга мол олиб киришга уринаётганлиги аниқланмоқда. Масалан, шу йилнинг 23 январида Қашқадарё вилояти ички ишлар бошқармаси вилоят прокуратураси ҳузуридаги солиққа оид жиноятларга қарши кураш департаменти ходимлари билан ҳамкорликда йирик бир иқтисодий жиноятни фож этишди. Фуқаролар

Бахтиёр Муродов, Икром Қиличев, Аҳмад Азимов, Ёрқин Жўраевлар ўзларига тегишли "Нексия" русумли автомашиналарда 19 миллион сўмликдан зиёд чет элда ишлаб чиқарилган акциз марказисиз тамаки маҳсулотларини божхона қоидаларини бузган ҳолда республикамиз ҳудудига айланма йўллар орқали олиб келишаётганда ушланди.

— Кўшни Туркменистондан вилоятимизга киши билмас қинғир йўллар билан моддий товар бойликлари кириб келаётгани ҳақида хабар топдик, — дейди вилоят ички ишлар бошқармаси ЖҚ ва ТҚКБ тезкор катта вакили, милиция майори Ўткир Хушвақтов. — Вилоят прокуратураси солиққа оид жиноятчиликка қарши кураш департаменти ходимлари билан ҳамкорликда тезкор тадбир ишлаб чиқдик. Ярим кечаси Қарши тумани ҳудудига изма-из кириб келаётган, орқа томонидан тунги чироқлари ўчирилган енгил машиналар "карвони" кўринди. Улар Қарши-Нишон йўлига туташ йўлга тўсиқ қўйилганлигидан тўғри келган кўчаларга машина рулини буришди. Аммо тизза бўйи лойда машиналар юролмаб ботиб қолди. Айрим ҳайдовчилар тузоққа илинишганини англаб, машиналарини ташлаб қочишди. Қоронғидаги қисқа олишувдан сўнг "тижоратчи"лар кўлга олинди.

**Ҳ. ҲАЙДАРОВ.**

ҲАФТАНИНГ  
МУҲИМ САНАЛАРИ

## 6 ФЕВРАЛЬ

- Ўзбекистон Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти - ЭКОга аъзо бўлди (1992)
- Лозаннада Ислон Каримовга Халқаро Олимпия қўмитасида Олимпия Олтин ордени топширилди (1996)
- Янги Зеландия миллий байрами - Войтанга куни (1840)

## 7 ФЕВРАЛЬ

- Гренада миллий байрами - Мустақиллик куни (1974)

## 9 ФЕВРАЛЬ

- Алишер Навоий туғилган кун (1441-1501)
- Тошкентда Халқаро почтампт ташкил этилди (1993)

## 10 ФЕВРАЛЬ

- Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкани бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси ташкил этилди (1992)
- А.С.Пушкинни хотирлаш куни (1799-1837). Шу куни буюк шоир ҳалок бўлган

## 11 ФЕВРАЛЬ

- Эрон Ислон Республикаси миллий байрами - Инқилоб куни (1979)

## Дил изҳорлари

## ШУКРОНА




Хурматли тахририят ижодкорлари. Киши дилидаги қувончини ҳам, гамини ҳам ўз яқинлари билан баҳам кўргиси келади. "Постда" газетаси менинг яқин ҳамсуҳбатим, сирдошим бўлиб қолган. Шунинг учун қўлимга қалам олдим.

Ўзим ҳақимда ёзсам, асли шахрисабзликман. Ёшим 45 да. Тақдир тақозоси билан Шерободга келиб, она меҳрига зор тўрт нафар норасиданинг бошини силаганим учун Оллоҳ ўзимга ҳам бир ўғил, бир қиз ато этди.

Турмуш ўртоғим милиция ходими. Ҳозир тўнғич ўғлим 20 ёшда. Қолган фарзандларимнинг иккитаси коллежда, уч нафари мактабда ўқишади. Ўйлаб қарасам, ҳаёт бир синов экан. Яратган синовдан ўтганлардан ўз мурувватини аямаскан. Шунинг учун эганимнинг кўрсатган кунига шукрона айтиб, фарзандларимга инсоф, толе тилаб яшаяпман. Баъзан кўнглимдан кечган туйғулар қоғозга қуйидаги сингари шеър бўлиб тўкилади:

Жисми-жонинг покиза бўлсин,  
Амир Темур руҳи қўлласин.  
Марҳабо дер: "Дуода кўлим,  
Йўл бошида қоқилма, ўғлим!"

**Марҳабо МИСИРОВА,**  
Шеробод тумани.

АСЛО КАМ  
БЎЛМАНГ!

Ассалому алайкум, хурматли тахририят! Мен Тошкент шаҳар ИИББ автохўжалигида чилангар бўлиб ишлайман. Иссиқ жон деганларидек, яқинда турмуш ўртоғим оғир касалликка чалиниб қолганди. Дори-дармонлару парваришлар самара бермаётгандай эди гўё. Умидсизликка тушиб қолгандик. Хасталик кундан-кунга зўрайиб борарди. Бор умидимиз 1-шаҳар юкумли касалликлар шифохонаси шифокорларида эди. Бош шифокор, тиббиёт фанлари доктори Б. Қодиров, врачлар К. Ҳошимов, М. Маҳмудов ҳамда А. Расуловларнинг самарали муолажаларидан сўнг фарзандларимнинг онаси соғайиб, бағримизга қайтди.

Бизнинг қувончимизга шерик бўлиб, оиламизнинг севишли газетаси бўлмиш "Постда" орқали юқоридаги кўли енгил шифокорларга чексиз миннатдорчилигимизни билдириб қўйсангизлар. Кишиларнинг дардига малҳам бўлганлар асло кам бўлмайди.

**Валижон СУЛАЙМОНОВ.**

## Тадбир

ЁМОНЛАРДАН  
ЙИРОҚ БЎЛ!

Яқинда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида "Ёшлар ва жиноят" мавзуда тадбир бўлиб ўтди. Тарих факультети декани З. Ишанхўжаева йиғилишни очар экан, ушбу тадбирнинг талабалар ҳаётида тутган ўрни тўғрисида гапирди.

Учрашувда иштирок этган республика ички ишлар вазирлиги Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш Бош бошқармаси ходимлари — милиция подполковниги И. Толбобоев, милиция майори Ш. Рўзиев ва милиция капитани И. Жаҳонгировлар профилактика хизмати соҳасида амалга оширилаётган янгилардан талабаларни бохабар этишди.

Республика ИИБ Тергов Бош бошқармасининг терговчиси, милиция подполковниги А. Закурлаев сўзга чиқиб, талабаларни диний экстремизм иллатларидан огоҳ бўлишга чақирди.

**Х. ШЕРБОЕВ,**  
милиция катта лейтенанти.

Ўзбекистон адвокатлар ассоциациясининг Тошкент шаҳар бўлими ташаббуси билан "Марказий Осиё мамлакатларида адвокатуранинг ҳозирги аҳволи: муаммолар ва режалари" мавзуда анжуман ўтказилди.

АДВОКАТУРАНИНГ  
МУСТАҚИЛЛИГИ ЙЎЛИДА

Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон давлатлари адвокатлар ассоциациялари вакиллари иштирок этаётган бу тадбирда адвокатлик фаолиятининг муҳим муаммолари ҳақида фикрлашиб олинди. Мазкур анжуманда сўзга чиққанлар адвокатуранинг жамиятдаги ўрни, жаҳон амалиётида катта даврга эга эканлигини таъкидладилар. Адвокатнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, фуқароларга ҳуқуқий ёрдам беришнинг илғор усуллари, малакали кадрлар тайёрлаш масалалари ҳақида ҳам фикр-мулоҳазалар билдирилди.

**Л. КИЯШКО.**

Тошкент шаҳар ИИББ Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармасида ўтказилган семинар-кенгаш ҳайдовчиларни тайёрлаш ва малакасини оширишга ихтисослашган таълим муассасаларининг фаолиятига бағишланди.

## ФОЙДАЛИ АНЖУМАН

Анжуманда ЙХХБ бошлиғи, милиция полковниги Р. Даминов шаҳар ҳудудида жамоат тартибини сақлаш, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашда ЙХХБ ходимлари амалга ошираётган ишлар ҳақида маъруза қилди. У ўтган йили шаҳарда юз берган йўл-транспорт ҳодисалари ҳақида тўхталиб, уларнинг сабабларини кенг таҳлил қилди. Салбий ҳолатларнинг олдини олиш борасидаги ўз мулоҳазаси ва таклифларини билдирди.

Семинар-кенгашда сўзга чиққан "Ватанпарвар" ташкилотлари раҳбарлари, таълим муассасалари вакиллари ҳайдовчиларни тайёрлаш ва малакасини ошириш йўлида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида тўхталдилар.

Анжуманда келгусида соҳа ишини такомиллаштириш бўйича зарур қарорлар қабул қилинди.

**Ўз мухбиримиз.**

УЮШҚОҚЛИК  
БИЛАН ЎТМОҚДА

Жиззах вилоятида ўтган йили йўл-транспорт ҳодисалари бир мунча камайди. Бироқ, жорий йилнинг январь ойида айнан болалар иштирокидаги йўл-транспорт ҳодисаларининг кўпайгани анча ташвишли бўлди. Шу боис вилоят ИИБ раҳбариятининг ташаббуси билан 1 февралдан 1 мартгача "Диққат, болалар!" тадбири ўтказилмоқда.

Тахлиллар болаларнинг дарсдан бўш вақтида оналар назоратидан четда қолаётгани, ўйинқароқлик қилиб, транспорт қатнови тифиз бўлган йўлларга чиқиб кетаётгани, энг ташвишлиси, йўлларда ҳаракатланиш қоидаларини яхши билмасликлари йўл-транспорт ҳодисаларининг келиб чиқишига сабаб бўлаётганини кўрсатди. Шу боис ҳам тадбирга кенг жамоатчилик ҳам жалб этилмоқда. Йўл ҳаракати хавфсизлиги ходимлари мактаблар, болалар боғчалари ва маҳаллаларда бўлиб, болажонлар ҳамда уларнинг оналар билан ҳам суҳбатлар ўтказишяпти.

Шунингдек тадбирда, профилактика инспекторлари, жамоат тартибини сақлаш ва бошқа хизматларнинг ходимлари ҳам фаол иштирок этмоқдалар.

**Абдували ҚАЮМОВ,**  
милиция катта лейтенанти.



9 февраль – Алишер Навоий таваллуд топган кун

**Алишер Навоийнинг Хусайн Бойқаро давлатида тутган ўрни ва мавқеи беҳад юксак эди. Унинг давлат арбоби сифатидаги фаолияти жуда кенг қамровли бўлиб, мамлакат ҳаётининг кўп соҳаларини, шу жумладан, ижтимоий адолатни қарор топтириш, тинчлик-барқарорликни сақлаш, фуқаролар мол-мулкининг дахлсизлигини таъминлаш каби қатор масалаларни ўз ичига олган.**

Навоий хусусан, оддий кишиларни амалдорлар ва бадавлат кишиларнинг ноқонуний хатти-ҳаракатларидан ҳимоя қилиш, ожиз ва ҳимоясиз кишиларнинг ҳуқуқлари поймол этилмаслиги борасида кўп куч-ғайрат сарфлаган. Навоийнинг бу йўлда амалга оширилган дастлабки ишларидан бири Ҳирот шаҳри аҳолисига нисбатан ноқонуний хатти-ҳаракатлар қилган девон амалдорларини жазолаши бўлган эди. Бу воқеа 1470 йилда рўй берган. Хожа Низомиддин Бахтиёр, Хожа Абдулла деган амалдорлар шаҳар аҳолисини турли йўллар билан сиқиб, уларнинг норозилигига сабабчи бўлганлар. Натихада, аҳоли галаён қилиб мазкур амалдорлар ўтирган бинони қуршаб олган ва тошбўрон қилган. Улар бир амаллаб қочиб қолишга муваффақ бўлганлар.

Бу пайтда подшоҳ ҳам, Навоий ҳам Ҳиротда йўқ бўлиб, Ёдгор Мирзога қарши кураш билан банд эдилар. Бу ҳақдаги хабар Султон Хусайн Бойқарога етиб келгандан сўнг у Навоийни Ҳиротга жўнатган ва бўлиб ўтган воқеаларни текшириш ҳамда айбдорларни жазолаш ҳақида фармон берган. Навоий пойтахтга келиб вазият билан танишиб, галаённинг асосий сабаби девон

амалдорларнинг ўзбошимчилик билан аҳолига қилган зулми эканлигини аниқлагач, улардан бирини ҳибсга олган. Навоийнинг буйруғи билан подшоҳнинг айбдорларни жазолаш ҳақидаги фармони Ҳиротнинг жамоа масжидида ўқиб берилган, Мирхонд, Хондамир каби тарихчиларнинг хабар беришларича, бу воқеа халқ ўртасида Навоийнинг обрўсини оширган, одамлар уни дуо қилганлар. Ана шу пайтдан бошлаб буюк шоир адолат курашчиси сифатида танилган.

Халқнинг осойишталигини сақлаш, одамлар ҳаёти ва мол-мулкининг дахлсизлигини таъминлаш масалалари ҳам Навоийнинг ижтимоий фаолиятида катта ўрин тутган. Маълумки, жиноятчилик ҳамма даврларда, барча жамиятларда мавжуд бўлган. Унга қарши кураш жамият ва давлатнинг энг асосий вазифаларидан бири сифатида қаралган. Навоий даври ҳам бундан мустасно эмас.

Навоийнинг жиноятчиликка қарши курашда бевосита иштирок этганлиги ҳақидаги маълумотлар Зайниддин Восифийнинг "Бадоеъ ул-вақоеъ" асарида учрайди. Восифийнинг ёзишича: "Ҳижрий 903 (милодий 1498) йили Ҳирот шаҳрида бегори, ўғри ва бевош етимлар кўпайиб кетди. Иш шунгача бориб етдики, кечалари ҳар кўча ва маҳаллада албатта бирор ўлик ва мажруҳ кишини топардилар..."

Оқибатда Хусайн Бойқаро жиноятчиликка қарши кескин чоралар кўришга мажбур бўлган. Кўлга тушган ўғри, қотил, безориларга нисбатан шафқатсиз жазолар тайинланган. Лекин ана шу жараёнда бузилишлар, ноҳақликлар ҳам юз берган, фақат шубҳа ва гумонлар асосида ушланган,

жинояти исботланмаган кишиларни жазолаш ҳоллари ҳам кўпайиб кетган. Бунинг устига айрим амалдорлар пора ундириш мақсадида бегуноҳ кишилар бўйнига улар қилмаган турли жиноятларни юклаб, ҳибсга олганлар. Оқибатда кўплаб бегуноҳ кишилар жабр кўрган. Бу ҳақдаги маълумотлар ва шикоятлар Хусайн Бойқарога етиб боргач, у мазкур ишларни тафтиш қилишни Навоийга топширган.

Шу ўринда Навоий "Муншаот"идаги бир мактуб диққатга сазовордир. Унинг мазмунидан маълум бўлишича, Навоий Панждеҳ деган жойга борганда бир киши олдиға келиб, Мирзо навкарлари маъст ҳолатда уни камон ўқи билан жароҳатлагани, хотинини қилич билан яралаганларини айтиб, арз қилади. Навоий у кишига тасалли бериб, жароҳатларини даволатиш учун пул ҳам беради. Мактуб ана шу воқеа муносабати билан шахзодалардан бирига ёзилган. Бу шахзода Навоий Панждеҳга келмасдан олдин лашкари билан ўша ердан ўтган ва юқоридаги жиноят ана шу пайтда унинг навкарлардан томонидан содир этилган экан. Навоий оддий кишиларни, зулм ва зўравонликдан ҳимоя қилиши вожиб эканлигини, бу ҳақда ҳадис ҳам борлигини эслатади. Сўнгра бўлиб ўтган воқеани баён қилади ва мактуб сўнгида шахзодадан ушбу жиноятни текшириш, айбдорларни топиб жазолашнинг талаб қилади.

Навоий жиноятчиликнинг сабаб ва илдишлари, жиноий муҳитни юзага келтирувчи омиллар ҳақида ҳам тўхталиб ўтади. Шахзодага ёзган хатида у мазкур қилмишнинг амалга ошириш пайтида ўша навкарларнинг

маъст бўлганликларига эътибор қаратади ва бундай жиноятларнинг рўй беришига ичкилик ҳам сабаб эканлигини таъкидлаб шундай ёзади: "Чоғир-ичмак авом орасида шоеъ бўлса, бу навъ ишлар ажаб эрмас". Яъни, халқ орасида ичкилик ичиш авж олса, бундай ишларнинг юз бериши ажабланарли эмас. Шунингдек, у қиморбозлик, маиший бузуқлик, тиланчилик каби иллатларни ҳам жиноий муҳитни юзага келтирувчи омиллар қаторига қўшади.

Навоий эътиборини жалб этган масалалардан яна бири жиноятга белгиладиган жазодир. Унинг фикрича, ҳар қандай жазо жиноятга яраша бўлиши керак. Арзиманган айб учун шафқатсиз жазо чоралари белгилаш ёки ақсинча, оғир жиноят учун енгил жазо бериш адолатга тўғри келмайди. Шу билан бирга бундай ёндашув одамларнинг ҳокимиятга, ҳукмдорга бўлган ихлос-ишончига пугур етказадди, давлат ва тузумни таназзулга олиб келади. "Тарихи Мулуки Ажам" асарида Навоий Ҳурмуз бинни Ануширвон салтанатининг заволга учраганлиги ҳақида ёзар экан, бунинг асосий сабаби унинг арзимас гуноҳлар учун шафқатсиз жазолар белгилаганида эди, дейди.

Умуман, Навоий асарларида мамлакатда ижтимоий адолатни, осойишталик ва барқарорликни сақлаш, оддий фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ фикр-мулоҳазалар кўп учрайди. Бу шундан далолат берадики, мазкур масалалар ҳар доим буюк адиб ва мутафаккирнинг диққат марказида турган. Бинобарин, уларни ўрганиш, ҳаётга татбиқ этиш биз учун фойдадан холи эмас.

**Қодиржон ЭРҒАШЕВ,**  
филология фанлари номзоди.



*Кўргали хусунгни зору мубтало бўлдум сенга,  
Не балоллиг кун эдиким, ошно бўлдум сенга.*

*Ҳар неча дедимки, кун-кундин узай сендин кўнгул,  
Ваҳки, кун-кундин батаррак мубтало бўлдум сенга.*

*Мен қачон дедим вафо қилгил, менга зулм айладинг,  
Сен қачон дединг фидо бўлгил, фидо бўлдум сенга.*

*Қай пари пайкарга дерсен: телба бўлдунг бу сифат,  
Эй пари пайкар, не қилсанг қил менго, бўлдум сенга.*

*Эй кўнгул, тарки насиҳат айладим, овора бўл,  
Юз бало етмаски, мен ҳам бир бало бўлдум сенга.*

*Жоми жом бирла хизр суйи насибамдур мудом,  
Соқиеъ, то тарки жоҳ айлаб гадо бўлдум сенга.*

*Фусса чангидин навое топмадим ушшоқ аро,  
То Навоийдек асиру бенаво бўлдум сенга.*

### РУБОУИЙ

*Жондин сени кўп севармен, эй умри азиз,  
Сондин сени кўп севармен, эй умри азиз.  
Ҳар нечаки, севмак ондин ортиқ бўлмас,  
Ондин сени кўп севармен, эй умри азиз.*

### ПҲУЮҚ

*Лаълидин жонимга ўтлар ёқилур,  
Қоши қаддимни жафодин ё қилур;  
Мен вафоси, ваъдасидин шодмен,  
Ул, вафо билманки қилмас ё қилур.*

### ҚИТЪА

*Аҳли маъни гуруҳида зинҳор,  
Ҳеч ор айлама гадолиғдин.  
Ким буларга гадолиғ ортиқдур,  
Аҳли суратга подшоҳлиғдин.*

### Хизматларда

## ҚОИДАЛАРГА АМАЛ ҚИЛИНСА...

**Мамлакатимиз фуқаролари вояга етганларида илк бор яшил муқовали, зарҳал рангда ёзилган "Ўзбекистон республикаси фуқаро паспорти"га эга бўлишади. Ана шу дамда улар қалбига чексиз ҳис-ҳаяжон, фахр туйғуси инади. Шу билан бирга зиммаларига талайгина мажбуриятлар юкланади.**

– Ҳукуматимиз томонидан паспорт тизимини такомиллаштириш борасида қатор қарорлар қабул қилинган. Уларни ижро этиш биринчи галдаги вазифамиздир, – дейди Юнусобод тумани ИИБ хорижга чиқиш-келиш ва фуқаролик бўлими бошлиғи ўринбосари, милиция капитани Абдулла Мадумаров. – Ўтган йили туманимизнинг 16 минг нафардан ортиқ фуқароларига паспорт берилган бўлса, шулардан 4

мингдан зиёди 16 ёшга тўлган ёшлардир. Фаолиятимизда кўплаб ҳуқуқ-тартибот идоралари ҳамда жамоат ташкилотларининг яқиндан бераётган ёрдамлари таъкидлаб ўтиш жоиз. Жумладан, профилактика инспекторлари, маҳалла посбонлари ва оқсоқоллари, уй бошлиқлари билан ҳамкорликда тарғибот-ташвиқот ишлари доимий тарзда олиб борилмоқда. Шунга қарамай, мавжуд тартибларга буйсунмай, ноқону-

ний яшаётганлар аниқланиб, уларга нисбатан маъмурий чоралар қўлланилаёпти.

Шу ўринда айтиш керакки, баъзи хонадон соҳибларининг қоидаларга беписандликлари турли хилдаги жиноятларнинг содир этилишига сабаб бўлмоқда. Тумандаги Маликова кўчасида яшовчи фуқаро уйида икки нафар андижонлик йигитнинг ноқонуний тартибда яшашига рухсат берган. Улар маълум вақтдан сўнг хонадондагиларнинг ишончини қозонишади ва оқибатда уйдаги буюмларни ўғирлаб кетишади. Яхшиямки, уларнинг бири воқеадан уч ой олдин кўшни хонадонга вақтинча рўйхатга қўйилган экан. Акс ҳолда, жабрланувчи кўп нарсасидан ажраб қоларди.

Шунингдек, айрим фуқаролар уйларига новвойхона, сомсахона курдириб, ишларни юритиш учун ўзлари танимаган кишиларни тартибга зид равишда ёллашмоқда, Бундай қилиш ярамайди. Зеро, барча эътиборлироқ бўлса, оиласини турли ноҳушликлардан асрарди.

– Бундан ташқари, корхона ва ташкилотларда паспорт тизими қоидаларига қандай амал қилинаётганлиги юзасидан ҳам текширишлар ўтказилиб турилади, – дея қўшимча қилди А. Мадумаров. – Чунончи, тумандаги 2515-автокорхонада олиб борилаётган ишлар кўнгилдагидек. Аммо "Тошкент маъданли сувлари" корхонасидаги айрим ишчиларнинг паспорт алмаштириш мuddати ўтиб

кетганлиги сабабли улар ва мутасадди ходимлар огоҳлантирилди. Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, ходимларимиз ҳаж зиёратига кетувчиларнинг ҳужжатларини тегишли идоралар билан биргаликда ўз вақтида расмийлаштиришди. Амнистия туфайли озодликка чиққан 6 нафар фуқарога ҳокимлик турар жой ажратган бўлса, биз уларни янги паспортлар билан таъминлаб, рўйхатга қўйдик. Буларнинг ўз вақтида бажарилишида компьютерлаштириш бўйича мутахассис Феруза Раҳимхўжаева, инспекторлар, милиция лейтенанти Гулзода Пўлатова, милиция катта лейтенанти Ботир Сайдовлар алоҳида хизмат кўрсатишди.

Олиб борилаётган саъй-ҳаракатларимиз янада самаралироқ бўлиши учун барча фуқаролар, маҳалла фаоллари, кенг жамоатчилик билан доимо ҳамжиҳатликда ишлаш ниятидамиз.

**Қобул ШОКИРОВ.**



### Кинология хизмати

**Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва унинг жойлардаги идоралари томонидан кинология хизматини янада ривожлантиришга доир қарор ва кўрсатмалар талабларини бажариш борасида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Хоразм, Жиззах ва Тошкент вилояти ИИБларидаги хизмат итлари питомниклари тўлиқ қуриб битказилди. Тошкент шаҳар ИИББдаги бундай питомник қурилишининг 1-навбати якунланди.**

Вазирлик томонидан тасдиқланган "Кинология хизматининг моддий-техника таъминоти бўйича меъёрий миқдорлар" асосида жойлардаги кинология хизматларининг хизмат хоналари ва ошхоналари учун зарур жиҳозлар ажратилди. Айни пайтда тизимимизда 2000 бошдан ортиқ хизмат итлари мавжуд. Улардан шаҳар ва туман ИИБ навбатчилик қисмларида, патруль-пост хизмати бўлинмаларида, ЙПХ масканлари ва блок-постларда, кўриқлаш, конвой хизматларида йўналишлар бўйича самарали фойдаланилмоқда.

Ўтган даврда ички ишлар идораларида мавжуд бўлган хизмат итлари портловчи моддалар, гиёҳвандлик воситаларини қидириб топиш, террорнинг олдини олиш, из олиш, кўриқлаш ва махсус йўналишлари бўйича тайёргарликдан ўтказилди. Тизимларимизнинг тегишли тар-

**\* Бундан 600 йиллар аввал Европада қалъаларни кўриқлашда итлардан фойдаланила бошланган.**

## ЮКСАЛИШ ЙЎЛИДА

моқлари бўйича хизмат итларидан фойдаланиш ишларини янада такомиллаштириш мақсадида 2002 йилда 200 га яқин зотли итлар харид қилинди.

Ўтган йилнинг декабрь ойида 2 нафар ходимимиз АҚШнинг Мудофаа вазирлиги тасарруфидаги кинология хизмати фаолияти билан яқиндан танишиб қайтишди.

Кинология хизмати ходимларининг касб маҳоратларини ошириш, уларни хизмат итлари билан ишлаш малакасига мукамал ўргатиб бориш, хизмат итларини "Умумий" ва "Махсус" курс йўналишлари бўйича тайёрлаш юзасидан кўргазмалар куруллар, мавзулар ва тегишли йўналишлар бўйича ўқув режалари ишлаб чиқилиб, амалда татбиқ этилмоқда.

Амалга оширилаётган ишлар ва белгиланган чора-тадбирларнинг самараси сифатида кинология хизмати ходимлари томонидан республикамиз ҳудудида содир этилган жиноятларни "изи совумасдан" очиш борасидаги иш натижалари яхшиланиб бормоқда. Масалан: 1995 йилда улар 492 та жиноят фош этишган бўлса, 2002 йил давомида қотил-

ри, 47 та қурол ва 252 дона ўқдорилар, 9 кг тротил-портловчи моддаси аниқланиб, қўлга олинди.

Кинология хизмати фаолиятини янада такомиллаштириш, уни замон талабларига жавоб бера олишини таъминлашга тўсқинлик қилувчи айрим муаммолар ҳам мавжуд. Масалан, Қорақалпоғистон республикаси

**\* Эрамиздан аввалги 525 йилдаги ёзма манбаларда итлардан ҳарбий мақсадларда фойдаланганлик ҳақидаги илк маълумотлар учрайди. Ўшанда форслар Мисрни босиб олиш мақсадида кучли, бақувват итлардан фойдаландилар.**

Бухоро, Фарғона, Андижон, Навоий ва Наманган вилоятлари ИИБларидаги хизмат итлари питомникларида олиб борилаётган таъмирлаш ишларини якунлаш зарур.

Кинология хизматини ривожлантириш борасида қўйилган талаблар бажарилишини таъминлаш мақсадида шу йил ИИБ – ИИББ – ИИБларда минтақавий семинар-кенгашир ўтказишни режалаштирганмиз. Ушбу хизматни зарур транспорт, махсус алоқа воситалари, компьютер техникалари билан таъминлаймиз. Хизмат итлари питомникларини қурилиш ва таъмирлаш ишларини якунлаш, хизмат итларининг тайёрланганлик даражаларини янада яхшилаш ҳам асосий вазифаларимиздан. Хизмат имкониятларидан келиб чиқиб фуқароларимизнинг хавфсизлиги, тинчлиги ва осойишталигини таъминлаймиз. Жамоат тартибини сақлаш, жиноятчиликка қарши курашда бу хизматдан кенгроқ фойдаланиш чоратадбирларини белгилаб олдик ва амалий ишларни бошлаб юбордик.

**Д. ҲАСАНОВ,**  
ИИБ ППХ ва ЖТСББ  
кинология хизмати бошлиғи,  
милиция катта лейтенанти.



## ИНСОННИНГ СОДИҚ КЎМАКЧИЛАРИ

**Азалдан итлар инсоннинг вафодор кўмакчиси бўлиб келган. Уларнинг энг оғир дамларда инсонга ёрдамга келишлари ҳақида мисоллар жуда кўп.**

Яккасарой туманидаги қаҳвахоналардан бирида овқатланиб ўтирган йигит томон интилган "Чита" лақабли итнинг ҳид олиш қобилияти алдамади. Хўранда – фарғоналик Б. Ҳусан (муқаддам судланган) текшириб кўрилганда ёнидан 1 кг дан ортиқ героин гиёҳвандлик воситаси топилди.

Шу тумандаги масъулияти чекланган жамият-

нинг қоровули ўлдирилиб, қотил яширинган эди. "Нил" лақабли хизмат ити жуда қисқа муддатда қотил — Наманганлик Т. Махмудни "қўлга олди".

Навоий шаҳридаги хонадонлардан бирида юз берган қотилликдан ҳеч қандай из қолмаган, қотил ўта тажрибалилиги сезилиб турарди. Бироқ "Рэм" лақабли хизмат ити ишга киришган,

вазият бутунлай ўзгарди. У қотиллик юз берган кўчадаги хонадонлардан бирининг эшиги ёнига бориб, қаттиқ хура бошлади. Хонадонда яшовчи Т. Владимир гумон билан текширилганда унинг уйдан ашёвий далиллар топилди ва қотил қўлга олинди.

"Рэм"нинг хизмати шугина эмас. "Халқлар дўстлиги" кўчасидаги уйлардан бирининг ёнида ўлдирилган фуқаро А. Галинанинг қотилини ҳам айнан "Рэм" топган эди.

Марғилонлик Т. Аброр билан Т. Аҳрор ўз уйида тинчгина ухлаб ётган А. Незматуллони ўлдириб, гўё ҳеч гап бўлмагандек жуфтакни ростлаган эдилар. "Чарс" лақабли ит эса биргина қотилларни эмас, балки ашёвий далил – қонга беланган болтани ҳам топиб берди. Хизмат итларининг фаолиятига доир бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.

Уларнинг ўз "касби"нинг "устаси" бўлиб етишуви, ўзига топширилган вазифаларни аниқ ва бехато аниқлаши, табиий, инструктор-кинологларимизнинг жуда катта меҳнатлари самарасидир. О. Жумаев, Ж. Йўлдошев, Д. Ахметшин, А. Шмуратко (Тошкент шаҳар ИИББ), У. Раҳматов (Навоий вилояти ИИБ), Д. Дехқонов (Фарғона) кабилар тилсиз жониворларни ички ишлар ходимларининг содиқ ва яқин кўмакчисига айлантиряптилар.

**Н. ҲАСАНОВ,**  
милиция капитани.

## ҚУРИЛИШ ЯКУНЛАНМОҚДА

**Тошкент шаҳар ИИББда кинология хизматини янада такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Марказий питомник қуриш ишлари якунланиш арафасида. Питомникда ходимлар учун хизмат хоналари, омборхона, ошхона, ветеринария шифохонаси, вольерлар ва машқ майдонлари деярли қуриб битирилди.**

– Ушбу питомник келажақда республикамиздаги барча ҳуқуқ-тартибот идоралари кинология хизмати ходимларини ўқитиш ҳамда хизмат итларига "касб ўргатиш" марказига айланади, – дейди ИИББ ППХ ва ЖТСБ кинология хизмати бошлиғи, милиция подполковниги А. Гришко. – Хизмат итларини бир неча йўналиш бўйича ишлашга ўргатамиз. Бунинг учун, кўриб турганингиздек питомникимизда ҳамма шароит бор. Кинологларнинг ва хизмат итларининг малакасини оширишни ҳам



йўлга қўямиз. Шунингдек, наслчилик ишларини янада яхшилаб, зотдор итлар сонини янада кўпайтириш ниятидамиз.

**А. ҲОШИМОВ,**  
инспектор-кинолог,  
милиция лейтенанти.

**А. КЕНЖАЕВ**  
олган суратлар.

## ДОЙМО ШАЙ

Қашқадарё вилояти ИИБ патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бошқармасига қарашли хизмат итлари питомниги 1995 йилда қайта ташкил этилган. Айни пайтда хизмат соҳаларида юздан ортиқ итлар ички ишлар ходимларига яқиндан кўмак беришарди. Шу кунларда питомникда 31 та жонивор парварит қилинмоқда. Учта бўлинмадаги инспектор-кинологлар хизмат итларини гиёҳвандлик моддалари, ўқотар қурол ва портловчи моддаларни қидириб топишга ўргатмоқдалар.

Кинология хизмати бўлими бошлиғи, милиция капитани Боймирза Эрқаев, инспектор-кинологлар — милиция сержантлари Паҳлавон Отақулов, Шавкат Ортиқов, Икром Қодиров, милиция сардорлари Мақсуд Норқулов, Абдиқарим Эрназаровлар билан ўқув машғулотлари ўтказиб, уларга касб сирларини ўргатапти. Вилоят миқёсида содир этилган жиноятларнинг очилишида "Сивил", "Чипс", "Алекс", "Рембо" лақабли итларнинг салмоқли ҳиссаси бор.

**С. АМИНОВА.**






# UCHINCHI

«Поетга»  
gazetasining ilovasi

TANIQLI KISHILAR BILAN UCHRASHUV,  
HAJVIYA, XANDALAR, KROSSVORD,  
SKANVORD, MUNAJJIMLAR BASHORATI,  
HAYRATOMUZ VOQEALAR,  
SPORT YANGILIKLARI, INTERNET XABARLARI

# + TV OLAM

2002 йилнинг охирида Ҳиндистондаги оммавий ахборот воситаларида Кашмир штатида юз берган ғалати ҳодиса ҳақида хабар берилган эди. Полициячилар маҳаллий ҳинд ибодатхонасида хунрезлик содир этган бир террорчини таъқиб этишади. Олдинда баландлиги уч метр бўлган девор чиқади. Унинг устидан яна ярим метр баландликда тиканли сим тортилган эди. Қочоқ ҳаммани ҳайратда қолдириб худди қушдек осмонга кўтарилиб, яна шу девор устидан ошиб ўтиб кўздан йўқолади.



Неча юз йилдирки, телепатия, телекинез ва левитация каби метафизик ҳодисалар инсониятга маълум. Уларнинг мавжудлигини тасдиқловчи кўплаб фотосуратлар, телетасвирлар бор. Бир қатор олимлар ушбу ҳодисаларни сўнгги фан ютуқлари ёрдамида тадқиқ қилишга уриниб кўришди. Аммо улар ҳамон ҳозирги замон фани учун айтилиши жумбоқлигича қолмоқда.

Левитация қобилияти борасида ҳозиргача 1833-1886 йиллар оралигида яшаган Дэниел Юмга тенг келадиغان одам учрагани йўқ. У яна телепатия, телекинез ва проскопия (юз беражак воқеаларни олдиндан кўра билиш) хусусиятига эга эди. Аммо айнан левитация қобилияти билан кўпроқ шуҳрат қозонди.

Юм ўз томошалари учун пул олмасди. У гайриоддий истеъдодини ёруғ жойларда, ҳар қандай комиссия олдида намойиш этишдан ҳам чўчимасди. Айниқса, Россияда кўйган ана шундай томошаларидан бири машҳур. Ушанда у Петербургдаги заллардан бирида полдан икки футча (ярим метрча) юқорига кўтарилди. Буни кўриб кўзларига ишонмаган бир офицер шартта қиличини қинидан сугуриб афсунгарнинг оёғи остидаги ҳавони сермади. Юм мийиғида кулиб оҳиста юқорилай бошлади. Шунда офицер олдидаги бўш ўриндиқ устига чиқиб энди афсунгарнинг боши устида қилич сермади. У балки Юм тепадан арқонга осилиб тургандир, деб гу-

## ЛЕВИТАЦИЯ

### ЁКИ УЧАР ОДАМЛАР

мон қилган эди. Мўжизакор қобилият соҳиби янада тепага кўтарилди. Шундан сўнг бутунлай ақлини йўқотган зобит Юмнинг оёғига осилди. «Кўзбойлогич» барибир юқорилаб, охири боши шифтга теккач, тўхтаб қолди.

Тажрибалар Юм шубҳачи офицердан кўра оғирроқ юқорига ҳам тепага кўтара олишини кўрсатди. Масалан, 1855 йили у АҚШдаги томошаларидан бирида ўзи чалиб турган рояль билан бирга кўтарилган эди.

1868 йил 13 декабрь куни Юм уйнинг 3-қаватидаги деразадан ташқарига учиб чиқиб, бошқа деразадан яна қайтиб хонага кирган. Ушанда у ҳақиқатан ҳам ҳаётини хавф остида қолдирган эди. Бундан

ташқари Юм очиқ осмон остида унчалик баландда бўлмаса ҳам, анча узоқ жойга учиб борган.

Тахминан ўша йиллари медиум Гордон ҳам ўзининг левитация бўйича нодир қобилиятини намойиш эта бошлади. Ана шундай чиқишларидан бирида кўпчилик гувоҳлигида Гордонни кўринмас бир куч кўтариб, икки хонадан олиб ўтиб, шифтга куч билан урган. Маъруза ўқиб турганида ҳам шунга ўхшаш ҳодиса юз берган. Сирли бир куч уни пол билан шифт ўртасида муаллақ ушлаб турган. Гордон фақат у ёқдан буюқча чайқала олган, холос. Йигилганлар унга тикилиб қолганида Гордон оҳиста полга тушган.

Левитация қобилияти бир гал Гордоннинг ҳаётини сақлаб қолган. У серкатнов кўчада

қилиб жисмларни ҳаракатлантирар, бузук соатларни юргизар, аккумулятор ва батареялар-



бир-бирига қараб катта тезликда ҳаракатланаётган икки экипаж орасида қолиб кетган. Орқага ҳам, олдинга ҳам юришнинг фойдаси йўқ, қутулишга улгурмасди. Шунда у ... тепага кўтарилган.

XX аср бошида Юмдан эстафетани америкалик Питер Суглерис қабул қилиб олишга ҳаракат қилади. У ҳам машҳур Ури Геллерга ўхшаб болалигида узоқда туриб (қўл теккизмасдан) қошиқларни, тангаларни бука олиши билан атрофдагиларни лол қолдирарди. Яна фикран таъсир

ни зарядсизлантирарди. 1986 йилда Питер ўз маҳоратини машҳур америкалик руҳшунос ва гайриоддий ҳодисалар тадқиқотчиси Б. Шварцга намойиш этди. Томоша кундузи ҳовлида кўрсатилди ва видеокамерада тасвирга туширилди.

Питер бир гал ўзига яқин жойда бир гуруҳ болалар ўзаро сўкинишайтганини эшитиб қолди. Шунда жаҳли чиқиб улар миниб кетаётган «Фиат»ни кўтариб ўтлоқ ичига олиб бориб ташлади. Безорилар у ердан зўрға чиқшди. Хотини Эстер-


нинг айтишича, Питер ўн икки ёшлигида уникига велосипедда меҳмонга келади. Дарвоза ёпиқлигини кўриб велосипеди билан бирга девор устидан ошиб ҳовлига киради.

Ҳозирча физиклар билан левитация ҳодисасини муҳокама қилиш бефойда. Чунки шу кунгача уни изоҳловчи гравитация назарияси мавжуд эмас.

Физиклар икки асрдан буён гравитация табиати ҳақида баҳслашаётган бўлсалар, ўтган асрнинг иккинчи ярмида АҚШнинг Айова штатида Махарши университети очилди. У ерда ҳар қандай одамда левитация иқтидори борлигини исботлашга уринишди. 1986 йил июль ойида Вашингтон шаҳрида «учар йоглар» мусобақаси ўтказилди. Унда йигирмага яқин киши қатнашди. Тўғри, Махарши шогирдларининг Юм ёки Суглерислар даражасига етишларига ҳали анча бор. Мусобақа пайти рекорд ўрнатганлар бор-йўғи ярим метрга кўтарилиб, икки метр масофагача учиб боришди.

Аммо ҳамма нарса ҳам оз-оздан бошланади. Дастлабки самолётларни эслайлик. Улар осмонга бор-йўғи икки метр кўтарилиб, атиги 40-50 метр узоқликкача парвоз қилишган. «Учар йоглар» орасида энг қобилиятлилари, тиришқоқлари осмонда анча пайт муаллақ туришни, баландлик ва парвоз йўналишини ўзгартиришни ўрганиб олдилар.

Хориж матбуоти материаллари асосида тайёрланди.





Григорий Д. ўзи кўриқлаётган иншоотга кирган баҳайбат, кўрқинчи аждаҳога қарата ўқ узганини айтди. У тасвирлаган махлуқ динозаврга ўхшаб кетарди.

Ўша пайтлар Спилберг ҳали ўзининг "Юра даври истироҳат боғи" фильмини суратга олмаган эди. Умуман, ўшанда хорижий фильмлар совет экранларида камданкам намойиш этиларди. Ҳарбий қисм кинорепертуари ҳақида-ку гапирмаса ҳам бўлади. Динозаврлар акс этган плакатлар, ўйинчоқлар ҳам сотувда учрамасди. Шунинг учун бу даҳшатли махлуқлар ҳақида фақат палеонтология ва фантастика ишқибозларигина тасаввурга эга эдилар.

Комиссия аъзолари аввалига аскар гиёҳвандликка ёки ичкиликбозликка мубтало бўлган, деган хулосага келишди. Ўша пайтлари ичкиликбозликка қарши кураш авжига чиққанди. Бир шиша ароқ топиш нафақат аскарга, ҳатто полковникка ҳам осон эмасди. Ҳар бир бўлинмада ҳушёрлар жамияти аъзолари иш олиб боришарди. Ичиш хумори тутганлар нималарни ўйлаб топишмаганди, дейсиз. Улар макарондан, бодрингдан, нўхатдан, томатдан, техник суюқликлардан, ҳатто оддий этик мойи (гуталин)дан ҳам қўлбола ароқ тайёрлашнинг ҳадисини олишганди.

Аммо аскар спиртли ичимлик умуман ичмаганини айтиб, ҳақиқатан ҳам баҳайбат махлуқни кўрдим, деб туриб олди. Шунда текширувчилар, балки жангчининг руҳиятида ўзгариш бўлгандир, деган тахминга боришди. Мўғулистонда хизмат қилишнинг ўзи бўлмайди. Кескин континентал, қуруқ иқлим, чўлу саҳролар, қишнинг аёзю ёзнинг жазирамаси ёш йигитнинг руҳиятига таъсир қилмай қолмасди.

**1988 йил ёзида собиқ иттифоқнинг Мўғулистон ҳудудида жойлашган ҳарбий қисмлардан бирида фавқулодда ҳодиса юз берди: кичик сержант Григорий Д. постда турганида кўриқланаётган иншоотнинг бетон деворини ўққа тутди. Хайриятки, ҳеч кимга зиён етмади, етказилган зарар ҳам арзимас эди. Аммо шунга қарамай дивизия штабидан келган комиссия қурол ноқонуний қўлланилган, деб топиб, бу ҳолатни текшира бошлади.**

## ДИНОЗАВРЛАР ҚАМАЛИДА



Аммо Григорий Д. хизмат қиладиган жой ҳарбийча ҳаёт нуқтаи назаридан анча қулайликларга эга эди. Ҳатто яқинда артезиан қудуқ ҳам қазишганди. Бошқа қисмлардан фарқли ўлароқ, бу ерда ичимлик суви танқислиги сезилмасди.

Комиссия иши давомида кутилмаган ҳолатларга дуч келди. Нафақат аскар аскарлар, ҳатто офицерлар ҳам аввалига тушларида, кейинроқ ўнгларида кўрқинчи махлуқни кўра бошлаганларини баён қилиб аризалар беришди. Ҳатто қисм сардори, майор Е. ҳам шахсан ўзи аждаҳони кўрганлиги, фақат буни сароб деб ўйлаганини тан олди.

Комиссия аъзолари, балки душман ҳарбийларга қарши психотроп захарли моддалар-

ни қўллаётгандир, деб ўйлашди. Шунинг учун ҳодисани тадқиқ қилиш мақсадида шошилинч равишда энг яхши мутахассислар таклиф этилди.

Токсиколог (захаршунос)лар ҳарбийларда ҳеч қандай захарланиш аломатларини топмадилар. Ҳаво, тупроқ, озиқ-овқатлар, сув таркибини таҳлил қилиш натижалари комиссиянинг тахминини рад этди.

Эҳтимол, бўлинмани бошқа жойга кўчирилишига эришиш мақсадида шахсий таркиб ўзаро келишиб олиб шундай иш тутаётгандир, деган фикр ҳам бўлди. Хуллас, текширув боши берк кўчага кириб қолди.

Шундай бўлса-да, бўлинмани бошқа ёққа кўчириб, бу ерга бошқасини келтиришди. Янги жамоага малакали шифокор Бурлачук Г. ни бир-

тиб кўйишди. У ҳар куни ўттизга яқин ҳарбийни тиббий кўриқдан ўтказиб турди. Бошда ҳаммаси яхши эди. На бир жисмоний, на бир руҳий жиҳатдан салбий ўзгариш сезилмасди.

Аммо кўп ўтмай яна эски ваҳима бошланди. Улкан калтакесакларни биринчи бўлиб... Бурлачукнинг ўзи кўрди. Тўғри, аввалига тушида. Шунинг учун буни динозаврлар ҳақида сўнгги пайтларда кўп ўқиганига, кўп ўйлаганига йўйди. Эртасига оқшом маҳали ўнгида ўзига қараб баҳайбат тарбозавр бостириб келаётганини кўриб эси чиқиб кетай деди. У ҳақиқий алахсираш бошланганини англади.

Ҳеч қанча ўтмай бундай ваҳималар бошқаларда ҳам бошланди. Душман кўпоров-

чилиги ҳақида гапиришга асос йўқ эди. Оддий алахсираш дейдиган бўлишса, ҳар кимнинг кўзига турли нарсалар кўриниши керак эди. Улар эса худди ўзаро келишиб олгандай нуқул динозаврларни кўришарди. Ҳатто бир рассомликдан хабари бор аскар махлуқнинг суратини ҳам чизди. Бу шифокор кўрган мавжудот билан бир хил эди.

Шунда Бурлачук ҳамма ҳолатларни бир-бир таҳлил қилиб, оммавий алахсирашга, эҳтимол, артезиан суви ичишаётгани сабаб бўлаётгандир, деган тўхтамга келди. Ҳақиқатан ҳам барча кўнгилсизликлар шу қудуқлар ишга тушгач бошланган эди.

Қадим замонларда мўғул саҳроларида, жумладан шу жойда ҳам баҳайбат динозаврлар яшагани аниқ. Артезиан қудуғи эса уларнинг қабристонига тўғри келган бўлиши мумкин. Ўтмиш манзаралари ҳақида маълумот қай йўсинда сувга ўтгани номаълум эди. Балки, динозаврларнинг мия хужайралари сув таркибига синггандир. Эҳтимол, сув заррачалари фақат ахборотнигина қабул қилиб олгандир. Бурлачук бу соҳа мутахассиси бўлмагани учун осонроқ йўл тутди – қудуқ сувидан ичишни тақиқлади. Ҳақиқатан ҳам кўп ўтмай алахсирашлар барҳам топди. Динозаврлар ҳарбийларга кўринмай қўйди. Фақат онда сонда баъзилар кўрадиган тушни ҳисобга олмаганда...

Сув орқали ахборот узатилиши ҳақидаги ғоялар илгаридан мавжуд. Ҳар ҳолда мутахассислар азалдан ишончли манбаларга таяниб сув ичишни тавсия этишади. Тажрибали саёҳатчилар, спортчилар, дипломатлар бошқа мамлакатга боришаётганда ҳужжатлар, пул билан бирга сув ҳам олишади...

**Хориж матбуоти материаллари асосида тайёрланди.**

## ДУРДОНА СЎЗЛАР

**Азиз муштарийлар!**

**Маънолари қуйида баён қилинган 20 та беш ҳарfli сўзларни топиб, уларни тўғри тўртбурчак шаклининг тик қаторларига бирма-бир ёзиб чиқинг.**

Хусусий тадбиркорларимиз ҳам анчагина. Айримларининг тегиримон ва обжувозлари бор. Уларнинг ҳаммаси кам таъминланган оилаларга ёрдам бериб келишмоқда.

Ҳамқишлоқларимиз аҳлининг миллий курашга бўлган қизиқишини эътиборга олиб, қишлоқ марказида кураш майдони қураимиз. Қишлоқ марказидаги икки қаватли “Ором” чойхонаси биноси туман спорт кўмитасига олиб берилди. Энди ёшларимиз бу ерда ҳар хил спорт турлари билан шуғулланишига имконият бор.

Истеъмолчилар ҳуқуқини

ҳимоя қилишга ҳам катта эътибор бераймиз. Дўконларимиз аҳолини сифатли товарлар билан таъминлашмоқда.

Сувлиариқ маҳалла оқсоқоли Нуриддин ака Бойбўсинов жуда фидойи инсон. У яхши ташаббуслар билан чиқиб, айниқса, маросимларни ихчамлаштириш борасида катта ишларни амалга оширмоқда.

Маҳаллаларимизда оилавий ажралишлар йўқ. Бу маҳалла фаолларининг аҳоли ўртасида олиб бораётган самарали ишларининг натижасидир.

Фаолларимиз қонунларимизга риоя қилиш, бола тар-

бияси ҳақида тез-тез суҳбатлар ташкил қиладилар. Ножўя хатти-ҳаракат сезилса, бола тарбияси унинг ота-онаси билан биргаликда олиб борилади. Бунда педагог-тарбиячиларимиз ҳам тарбияси оғир болалар билан мунтазам иш олиб борадилар.

Профилактика инспекторимиз милиция катта лейтенанти Алимардон Бобоев, милиция лейтенанти, Тўлқинжон Ҳамидов ҳамда посбонларимиз сардори Аҳрор Мамадалиев, кўнгиллилардан Саҳобиддин Исақов, Асилбек Абдулазизов, Отабек Эргашев каби кўплаб фаолларимиз осойишталикни сақлашда биз билан доимо биргадирлар.

Суҳбатни **М. КИМСАНБОЕВ** ёзиб олди.

СПОРТ

## ИНСПЕКТОРЛАР БЕЛЛАШУВИ

Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан ташкил этилган мазкур беллашувда барча шаҳар ва туман ИИБдан вакил бўлиб келган профилактика инспекторлари ўндан ортиқ спорт турлари бўйича куч синашишди. Назарий ва сиёсий билимлари борасида тест сновларидан муваффақиятли ўтган инспекторлар дастлабки мусобақани Макаров пистолетидан отишдан бошлашди.

Кўнғирот тумани ИИБдан О. Сағиндиқов бу борада мерганлик маҳоратини кўрсатиб, биринчи ўринни эгаллади. Автоматдан отиш бўйича Кегайли тумани ИИБдан Е. Аvezов нишонни беҳато уриши билан ҳаммани ҳайратда қолдирди.

Жисмоний чиниқилишнинг асосий усуллари-дан бири бўлган турникда тортилиш бўйича Нукус шаҳар ИИБдан М. Ибодуллаевга тенг келадигани топилмади. Юз метрга югуриш-

да Нукус шаҳар ИИБ вакиллари А. Бердимуротов ва М. Ербаевлар жисмоний тайёргарликлари пухта ва юқори эканликларини амалда исботлаб, жамоа ҳисобида ҳам ўз бўлимларининг голиблигини таъминлашда муносиб ҳисса қўшдилар.

Арқон тортиш мусобақасида Амударё ва Тўрткўл тумани ИИБ профилактика инспекторларининг қўли баланд келиб, шохсупанинг биринчи ва иккинчи ўринларини банд этишди.

Навбат курашга келганда томошабинлар беихтиёр қарсак чалиб юборишди. Чунки ўзбек курашининг ҳаяжонли дақиқалари ҳеч кимни бефарқ қолдирмайдими! Нукус тумани ИИБдан А. Шарафдинов, Тахтақўпир тумани ИИБдан Т. Қидирбаевлар ўз вазн тоифалари бўйича шохсупанинг биринчи ва иккинчи ўринларини эгаллашган бўлишса, 73 кг вазнда кураш тушишган Бўзатов тумани ИИБ жамоаси аъзоси И. Жугинисов ва Тахтақўпир тумани ИИБдан О. Турдибаевлар голибликка даъвогар бўлишди.

Оғир вазнда гиламга тушган эллик-



қалъалик полвон Д. Атажанов кўнғиротлик рақибни М. Жумамуротовдан устун чиқиб мутлақ голибликни қўлга киритди.


Уч кун давом этган мазкур беллашувга шахмат-шашка, тош кўтариш, чавандозлик мусобақалари ҳам ўзига хос завқ-шавқ бағишлади. Шунингдек, улоқ ўйини ҳам барчада катта таассурот қолдирди.

Ўтказилган барча мусобақалар якуни бўйича жамоалар ҳисобида Кўнғирот тумани ИИБ профилактика инспекторлари биринчи ўринни қўлга киритишди. Голиблар вазирлик томонидан таъсис этилган қимматбаҳо совғалар ва пул мукофотлари билан тақдирландилар. Мусобақа якунида Қорақалпоғистон республикаси Ички ишлар вазири ўринбосари, милиция подполковниги П. Қалимбетовнинг фикрларини билишга қизиқдик.

– Обод маҳалла йилига бағишланган мазкур мусобақаларни ўтказишдан кўзланган асосий мақсад профилактика инспекторларининг амалий ва назарий билимларини ҳамда жисмоний ва жанговар тайёргарликларини синовдан ўтказиш, касб маҳоратларини оширишдан иборат эди, – дейди у.

**Д. ХУДОЙШУКУРОВ.**

**Ш. СИФАТДИНОВ** олган суратлар.




## КЛИЧКО РИНГГА ЧИҚАДИ

Украиналик машҳур боксчи **Владимир Кличко WBO йўналиши бўйича жаҳон чемпионлиги камарини Ҳимоя қилиши лозим. Бу гал унинг камарига Жанубий Африка Республикаси вакили Корри Сэндерс даъвогар бўлмоқда. Жанг 8 март кuni Германиянинг Ганновер шаҳрида ўтказилиши режалаштирилган.**

К. Сэндерс рақибчилик номдор боксчи бўлмаса-да, унинг ўзига яраша устун томонлари ҳам бор. Бу боксчи кўплаб кучли рақиблари-

ни биринчи раунддаёқ нокаутга учратган. У профессионал рингда 36 марта галабага эришган, 28 учра-



шувни муддатидан олдин тугатишга муваффақ бўлган. Шулардан 18 тасида рақибини биринчи раундда нокаутга учратган. Атиги икки

марта рингни боши эгик ҳолда тарк этган.

В. Кличконинг промоутери Клаус-Петер Колнинг таъкидлашича, К. Сэндерс унга даъвогар бўлган канадалик Кирк Жонсон ва америкалик Фрес Окендога нисбатан кучлироқдир. Жанубий Африка вакили унчалик машҳур бўлмаган жаҳон бокс уюшмаси йўналиши бўйича 1997-2000 йилларда чемпионлик камари соҳиби бўлган. У охириги марта 1999 йили америкалик номдор боксчи Хасим Раҳмондан енгилган.

26 ёшли В.Кличко эса ўз чемпионлик камарини олтинчи марта Ҳимоя қиладди.

**Б. АБДУЛЛАЕВ.**

## ҚАЙСИ СПОРТ ТУРИ ЁҚАДИ?

Бу саволга дарров бейсбол дея жавоб беришга шошилманг. Яқинда Гэллар хизмати томонидан ўтказилган тадқиқотда қайси спорт турига қизиқишини санаб бериш сўралган. Сўровда қатнашганларнинг 55 фоизи профессионаллар ўртасидаги америкача футбол улар учун энг қизиқ ва оммавий спорт тури эканини таъкидлади.

Демак, иккинчи ўринда бейсбол экан-да, дейишингиз мумкин.

Сабр қилинг... Респондентларнинг қирқ фоизи фигурали учини иккинчи ўринга қўйган. Учинчи ўринда яна Америкача футбол. Фақат талабалар ўртасида ўтказиладигани экан. Чунки ўттиз тўққиз фоиз одам коллежаларо мусобақаларни томоша қилишни хуш кўраркан.

Ниҳоят тўртинчи ўринда бейсбол экан. Унга ўттиз саккиз фоиз иштирокчи овоз берган. Шунингдек, тадқиқотчилар мурожаат қилганларнинг ўттиз уч фоизи талабалар ўртасидаги баскетбол беллашувларини ёқтиришини билдирган.

– Бир сўз билан айтганда, америкача футбол бу бизнинг “қиролимиз”, – дейди Гэллар хизмати вакили Фрэнк Ньюпорт. – “Қиролич”ликка эса фигурали учини номзод.

## ... ПАЙШАНБАДАН ПАЙШАНБАГАЧА...

### ЙЎЛОВЧИ-ТАЛОНЧИ

Сўнгги пайтларда бу хилдаги “хунармандлар” хийла кўпайгандек. Киракашлик билан шуғулланувчи автоулов эгалари ва таксичиларнинг хавфсизлигини таъминлаш борасида жиддий чоралар кўриш вақти аллақачон келди, чоғи.

Яқинда тунги соат бирларда пойтахтимиздаги Қурувчилар кўчасида номаълум кимса Б. Сейитбоев бошқарувидаги таксига ўтирди. У Фарғона йўли кўчасининг кимсасиз жойига келганда ҳайдовчини қўрқитиб, 5000 сўм пулини олиб қочиб қолди. Тезкор тадбирлар натижасида талончи шу кечасиёқ қўлга олинди.

### АЖАЛФУРУШЛАР

Гиёҳфурушларни бежиз ажалфурушларга ўхшатишмайди. Зеро, улар тарқатадиган захар охир-окибат қанчалаб одамларнинг бахтига, ҳаётига зомин бўлади. Самарқанд шаҳрилик Э. Қ. нақд 270.000 сўмга бойимокчи эди. Аммо нияти амалга ошмай қолди. У 416 грамм марихуанани шунча пулга сотаётган чоғида қўлга олинди.

Жарқўрғон туманилик П. Б.нинг нафси эса бундан ҳам ҳақалак отган экан. У нақ бир килога яқин герионни 11000 АҚШ долларига сотмоқчи эди. Ажалфуруш ашёвий далил билан ушланди.

Қўқонлик Н. М. ва олтиариқлик А. Э. бирга “савдо иши”ни юритмоқчи бўлишди. Улар пойтахтимиздаги Ҳамза метро бекати олдида текшириб кўрилганларида сумкаларидан 813 грамм марихуана ва 183 грамм гашиш топилди.

### ҚИҒИР ИШНИНГ ҚИЙИГИ

Шу йил 19 январиди Хоразм вилоятининг Питнак шаҳрида босқинчилик содир этилган эди. Ушанда беш номаълум кимса (улардан бири ниқобда бўлган) У. Матёқубовнинг уйига бостириб кирган. Жиноятчилар уй аҳлини милтиқ ва пичоқ ўқталиб қўрқитиб, кийим-кечаклар ва қимматбаҳо тақинчоқларни олиб кетишган эди. Яқинда бу босқинчиликни содир этган бешала шахс ҳам қўлга олинди.

**Шерзод РАҲАПОВ.**



## Таҳлил

## МУДДАО ФАҚАТ КЎРСАТКИЧ ЭМАС

Бирор мавзуда гап очилса, умумий тарзда мулоҳаза юритиб, тингловчини ҳам, газетхонни ҳам чалғитиш мумкин. Бундан сақланишнинг осон ва мақбул йўли рақамларга мурожаат этишидир.

Навоий вилояти автомобиль йўлларида ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш борасида хизмат кўрсаткичларига тўхталсак, фикримиз ўз исботини топади деб ўйлаймиз. Ўтган йили ҳудудда содир этилган йўл-транспорт ҳодисалари сони 6 тага, тан жароҳати олганлар 2,4 фоизга камайди. Аммо ҳалок бўлганлар сони камаймади.

Кувонарлиси, болалар иштирокида содир этилган йўл-транспорт ҳодисаси 10,6 фоизга камайди. Ҳалок бўлган, тан жароҳати олган болалар ҳам анча оз. Бунинг калити аввало таълим-тарбия муассасаларида кенг тушунтириш ишлари олиб борилганлигида. Вилоят ИИБ ЙХХБ ходимлари тез-тез ўзларига бириктирилган мазмурий ҳудуддаги мактаб ва боғчаларда бўлиб туришади.

– Ёш болага йўлларда ҳаракатланиш қоидалари ҳақида милиционернинг гапи ўқитувчининг гапидан



кучлироқ таъсир этади. Буни ходимларимизга доимо эслатиб тураемиз, – дейди ЙПХ бўлинмаси штаби бошлиғи, милиция майори Шермурод Эгамов.

Аммо бу ҳамма иш кўнгилдагидек дегани эмас. Таҳлиллар Навоий шаҳри, Кармана, Қизилте-

па, Нурота туманларида транспорт ҳодисаларининг фожиавийлиги ўтган йилда ортганлигини кўрсатди. Акс ҳолда вилоят миқёсида кўрсаткичлар янаям яхши бўлишига эришилди. Ушбу ҳудудларга хизмат кўрсатувчи ҳаракатдаги ЙПХ экипажларига фаолиятларида

**Вилоят ИИБ ЙХХБ ходимлари нафақат қоидабузарларни тартибга солиш билан шуғулланишади. Улар жиноятларни очишда ҳам фаол қатнашади. Қуйида ана шундай фактлардан айримларини келтирамиз.**

Шу йил 22 январь тунги соат иккиларда Зарафшон шаҳридаги дискотека ёнида номаълум кимсалар зўрлик ишлатиб Д.

Кукетовнинг чарм камзули, туфлиси ва 60 минг сўм пулини тортиб олишди. ЙПХ ходимларининг саъй-ҳаракати билан зўравонлар тугтилиб, шаҳар ИИБга топширилди.

23 январь куни Навоий Кармана йўналишида «Форд» русумли машина тўхтатиб текширилди. Шунда фуқаро Р. А. ҳеч қандай ҳужжатсиз умумий нархи 1 млн 290 минг сўмлик 7 дона

ги камчиликлар кўрсатиб ўтилди.

ЙПХ ходимларининг хизмат интизоми, самарасини ошириш мақсадида ўтган йил мобайнида 300 дан зиёд хуфиёна ва ошкора текширувлар ўтказилди. Натигада камчиликларга йўл қўйган баъзи ходимлар аниқланди. Улардан икки нафари ишдан четлатилди, бошқалари турли интизомий жазога тортилди. Аҳолидан тушган шикоят ва аризаларни ҳолислик билан ўрганишга ҳам алоҳида эътибор берилляпти. Улардан ўз тасдиғини топганлари бўйича айбдор ходимларга чора кўриляпти.

Хоҳ пиёда, хоҳ ҳайдовчи, бўлсин улар билан муомала қилишда ЙПХ инспекторлари учун «Ички ишлар идоралари ходимларининг

Касб одобномаси» дастуриламал бўлиши лозим.

– Халқимиз табиатан қоидабузар эмас, – дейди Ш. Эгамов, – айримларни ҳисобга олмаганда, бошқалар фақат бирор сабабга кўра шояётгандагина бехосдан тезликни меъёридан ошириши ёки шунга ўхшаш қоидабузарликларга йўл қўйиши мумкин. Ходимларимизга тўхтатилган ҳайдовчи ҳовуридан тушгунча уни обдон эшитинглар, сўнг айбдорга қилмишининг оқибати нимага олиб келишини мисоллар келтириб тушунтиринглар, деб тайинлаймиз. Жазолашга шоямаслик керак. Шунда унинг таъсири бўлади.

Йўл-патруль хизмати бўлинмасининг техник таъминотини янада яхшилаш, мунтазам йўл-патруль

ни Қизилтепа туманида истиқомат қилувчи бир танишиникига яшириб қўйганини аниқлашди.

Шу куни ходимлар Қонимех тумани ҳудудида «Форд» русумли машинани тўхтатиб текширишди. Унинг салонидан 2 миллион сўмликдан зиёд хорижда ишлаб чиқилган, мамлакатимизга ноқонуний олиб кирилган чинни буюмлар топилди.

масканларига компьютерлар ўрнатиш, алоқа воситаларини кўпайтириб, эскирганларини янги, замонавийларига алмаштириш 2003 йилги иш режаларидан ўрин олган. Буларнинг барчаси хизмат самарасини янада ошириши шубҳасиз. Аммо пиёдалар ва ҳайдовчилар йўл ҳаракатининг асосий иштирокчилари эканлигини эсдан чиқармайлик. Буни эътиборга олган вилоят ИИБ ЙХХБ раҳбарияти биринчи галда уларнинг йўлларда ҳаракатланиш маданиятини оширишга эътибор берапти. Бунинг учун профилактик ишлар кучайтириляпти. Ходимларнинг тез-тез автокорхона ва ташкилотларга, маҳаллаларга бориб суҳбатлар ўтказиши, учрашув чоғида юз берган йўл-транспорт ҳодисаларини атрофлиха таҳлил қилиши одат тусига киряпти. Тарғибот-ташвиқот ишларида вилоят телевидениеси, газеталари имкониятидан ҳам самарали фойдаланиляпти. Токи қонун-қоидага риоя этиш ҳар бир фуқаро учун одатий ҳолга айлансин. Зеро, буларнинг барчасидан кўзланган муддао аввало кўрсаткичларни яхшилаш эмас, сизу бизнинг кўча-кўйда хавфсизлигини таъминлаш эканини улар яхши англашади.

Бобомурод ТОШЕВ.

## Ё, алҳазар!

## ТОШЛОҚЛИК ФИРИБГАР

Олтиной А. Тошлоқ туманидаги «Чек» қишлоғида туғилиб ўсди. У биров кўрса ҳавас қилгудек даражада улғайгач уйдан чиқиб кетди ва Қирғули туманидан қўним топди. Бир ҳунарни эгаллаш ўрнига фирибгарликни касб қилиб, содда одамларни лақиллата бошлади. 2001 йил унинг устидан жиноий иш қўзғатилди.

Афсуски, Олтиной бундан тегишли хулоса чиқармади. Энди у ўзгалар фарзандини ўғирлаб, тижоратчиларнинг арзимас матоҳларига гаровга қўйиб кета бошлади.

У тумандаги Шароф Рашидов кўчасида пайдо бўлиб, бу ерда ўйнаб юрган 4 яшар Хуснидани етаклаб кетди. Ниятини осонгина амалга оширган фирибгар Марғилон шаҳри «Мустақиллик» кўчасидаги тижорат-савдо дўконига борди. Сотувчи М. Аҳмедовга қизчани кўрсатиб:

– Болам шу ерда гаровга қолади, мен мана бу сумкалардаги молларни «Машат» маҳалласида яшовчи бувимга кўрсатиб келаман, – дея жами 21300 сўмлик олиб, гоийб бўлди. Чув тушиб қолган сотувчи уни кечгача кутди...

Ўйнаб турган фарзандини йўқотган Сотволдиевалар хонадонни кунни тунга улаб, уни қидирадилар. Милиция оёққа турди. Уч кундан сўнг Хуснида онаси бағрига қайтарилди.

Орадан бир ҳафта ўтгач, тумандаги Лермонтов кўчасидан ўтиб кетаётган Олтиной У. Тўраҳужаванинг 2 ёшли қизчаси ва М. Аъзамованинг 5 ёшли ўғлини кўриб қолади. Уларни ўғирлаб кетиш мақсадида шу ҳудуддаги 8-болалар боғчасига кириб келади. Лекин хушёр тарбиячи болани бегона аёлга бермайди. Шундан сўнг, боғчага кириб келаётган Ш.ни «онангининг олдига олиб бораман» деб алдаб, боғчадан олиб чиқиб кетаётганда уни

тўхтатиб қоладилар. Фирибгар мақсадига эриша олмай жиноят жойидан яширинади.

«Ўрганган кўнгил ўртанса қўймас», деганларидек Олтиной Фарғона шаҳри марказидаги автобус бекатида қирғулилик 9 ёшли Хусанжонга ширин гапириб: «Мен Мафтуна холанг бўламан. Ҳозир Қувага бориб, пул олиб келаман, кейин сизларникида бирга яшаймиз» дея уни алдайди ва болани ўғирлаб, Қува шаҳри марказий бозорида пайдо бўлади. Бу ерда тижорат ишлари билан шуғулланувчи Г. Қамбарова ва Д. Қамбаровларга тегишли бўлган жами 35 минг сўмлик спорт кийимларини олиб, Хусанжонни гаровга қолдиради.

Милиция ходимлари Олтинойнинг изига тушдилар ва унинг қилмишига нукта қўйишди.

М. КИМСАНБОЕВ.

## ЙЎЛДАГИ «УЧАР»ЛАР

Сўнги кунларда оммавий ахборот воситаларида «иқтисодий тажовуз» деган ибора тез-тез тилга олинадиган бўлиб қолди. Бу бежиз эмас, албатта. У мамлакатимизга сифатсиз маҳсулотларни ноқонуний равишда олиб киришга уринаётган «учар»ларга қарата айтилган. Бундай инсонлар ўзларини нечоғли айёр, уддабурон деб ўйлашмасин, пировардида қўлга тушиб, куйиб қолишмоқда.

Хўжайилик У. Бекжанов «М-412» русумли автомашинада рўзгор буюмлари, «ЗА3» русумли автомобилни бошқариб келаётган К. Дурдиев 180, унинг ҳамшаҳри Б. Анаметов «ГАЗ-24» русумли машинада 400 литр бензинни, «Хўжайили-Тахиятош» йўлида А. Ёшжанов шахсий автомашинасида 140 литр пахта ёғини олиб ўтаётганларида милиция ходимлари томонидан ушландилар.

Тўрткўл туманидаги «Амударё» масканида «КАВЗ-365» русумли автобус текшириб кўрилганда нукуслик йўловчилар Р. ва Э. 570.000 сўмлик турли хил транспорт эҳтиёт қисмларини ҳеч қандай ҳужжатсиз

олиб келаётганлиги аниқланди. Амударёлик И. эса ҳеч тап тортимай 8 млн. сўмлик электр жиҳозларни қонунга зид равишда Нукус бозорига олиб кираётганда ўйлаган режаси амалга ошмади.

Шу ўринда ҳақли савол туғилади: хўш, давлат иқтисодиётини яхшилаш ҳақида ким қайғуриши керак?! Шубҳасиз ўзимиз. Шундай экан ҳар биримиз юртимизга ноқонуний равишда маҳсулотлар олиб киришга уринаётган кимсаларнинг пайини қирқилганда ёрдам кўрсатишимиз керак.

Б. ХОДЖАМЕТОВ,  
милиция катта лейтенанти,  
Д. ХУДОЙШУКУРОВ.

## СЎРАГАН ЭДИНГИЗ...

? – 1993 йили ўғлим яшаб турган хонадонда онам ва мен рўйхатда турар эдик. Ўғлим уйни хусусийлаштираётганида иккимиз бунга ёзма равишда розилик бердик. Шундан кейин турмуш ўртоғимнинг уйига доимий яшаш учун рўйхатдан ўтдим. Яқинда ўғлим менинг розилигимсиз уйни сотиб юборибди. Шу тўғрими? Менинг уйда қандай ҳуқуқларим бор?

К. АБДУРАҲМОНОВА,  
Чилонзор тумани.

Жавоб: — Ўзбекистон Республикасининг «Давлат уй-жой фондиди хусусийлаштириш тўғрисида»ги Қонунининг 12-моддасига кўра, барча ижарачиларнинг розилиги билан улар эгаллаб турган уйни хусусийлаш-

тириш мумкин. Бунда хусусийлаштиришнинг ҳар бир иштирокчисига уйга нисбатан умумий ҳиссали мулк ҳуқуқи вужудга келади. Сизнинг ушбу хонадондаги ҳиссангиз унинг 1/3 қисмини ташкил қилади. Ўзбекистон Республикаси Уй-жой кодексининг 32-моддасига асосан ўғлингиз уйни сотиш учун сиз ва онангининг розилигини олиши шарт эди. Шу сабабли уйнинг олди-сотди шартномасини бекор қилишни талаб қилиб судга даъво аризаси билан мурожаат қилишингиз мумкин.

? – Ўзбекистон Республикасида виждон эркинлиги нимани англатади?

С. ИКРОМОВА,  
уй бекаси.

Жавоб: — Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 29-моддасида ҳар ким фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқига эга эканлиги, 31-моддасида эса ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланиши, ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эгаллиги, диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмаслиги ёзиб қўйилган.

? – Мен тадбиркорлик билан шуғулланаман. Банкдан кредит олиш ниятим бор. Агар қурилиши тугалланмаган иморатни гаровга қўйсам, неча фоизли кредит олишим мумкин?

Б. ИШМЕТОВ,  
Бухоро вилояти.

Жавоб: — Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Қонунининг 4-моддасига мувофиқ, банклар кредитларнинг қайтарилиши, фоизлилиги ва муддатлилиги шарт билан ўз маблағлари ҳисобидан кредитлар беради. Унинг неча фоизлиги банк билан тузилган шартномада қайд этилади. Кредит беришнинг фоиз миқдори ўша банк Низоми ёки йўриқномасида кўрсатилади.

Жавобларни ҳуқуқшунос  
Н. ҲАБИБУЛЛАЕВ тайёрлади.



**Жиноят ва жазо**

**Одамнинг ақлдан озиб, разолатга юз буриши осон экан. Бўлмаса Фарҳод (исмлар ўзгартирилди) эслихушли йигит эди. Бировнинг юзига ботиниб тик қарамасди. Шунинг учун уни таниган-билганлар аввалига ишонмасдан ёқа ушлашди. Афсуски, даҳшатли, кўз кўриб, қулоқ эшитмаган фожиа юз берган эди.**

... Уйга тушликка келган Фарҳод жуда қизиқ кетди. Қанийди шу тобада муздек чалоб бўлса. Бир маза қиларди. У ичкарида тўн қавиб ўтирган онасига ҳам айтиб ўтирмади. Сўри устидаги қосани олди-да, девор ошиб кўшникига ўтди. Кўшнисининг беш яшар қизи Нигора деразага осилганча "Ой Ватаним, бой Ватаним" ашуласининг эсида қолган жойларини хиргойи қилар ва шунга монанд ойнани чертиб, ўзича мусиқа чаларди. Оёғида онасининг қизил шиппаги. Қизнинг овози ҳам, ўзи ҳам чиройли эди. Унинг лўппи юзлари, тимқора сочлари суратлардаги гўзалларга ўхшарди. Фарҳоднинг феъли бирдан ўзгарди. Ёмонликка ҳаволанди. У аста очиқ деразадан ичкарига қаради. Машина-трактор саройидан тушликка келган Беғам акани чарчоқ енгибди. У деворга суялган болишга бошини кўйганча уйкуга кетган. Уй-рўзгор ташвишларидан толиққан хотини бўлса шундоққина пойгақда кўзи илинган. Дастурхон очиклигича қолган, бурчакдаги телевизор бўлса ўзи билан ўзи овора эди. Фарҳод қатиқни эсдан чиқарди. Қосани қаерга кўйганини ҳам билмади. У кўшнисининг уйини яхши биларди. Оғилхонада анчадан бери мол турмайди. Бир амаллаб Нигорани алдай олса бас. У астагина қизалоқнинг олдига борди-да, эшитилар-эшитилмас деди:

- Нигора, нима қиляпсан?
- Уйнаяпман.
- Мен сенга бир нарса олиб келувдим.
- Кўрсатинг. Нима у?
- Кўғирчоқ. Жудаям чиройли,

Ховлида югур-югур бошланди. Ҳалигина ўйнаб юрган Нигора йўқ эди. Шовқинни эшитиб кўни-кўшникилар чиқишди. Улар бирпасда ҳаммаёқни остин-устун қилиб ташлашди. Оғилхона, уй чордоғи ва бошқа жойлар бирма-бир қараб чиқилди. Яқин орадаги тизза бўйи бўлган бугдойзор оралари қидирилди.

чора Фарҳод одамлар ёнига бориб, уларнинг гап-сўзларига қулоқ солади. У яна сув ёқалаган бўлиб, туман касалхонаси этагидаги бугдойзордан чуқур қовлай бошлади. Ҳасадни бир чеккага чиқариб қўйиб чуқурни яна тупроқ билан тўлдирди. Устига шох-шаббаларни босиб қўйди. Сўнгра мурдани чопони ўнгирига ўраб кўтариб чиқди. Ҳовлидан ҳолаҳвол сўраб келган одамларнинг гап-сўзлари эшитилиб турарди. Фарҳод ўликни ўрага кўмиб, шу жойга ариқдан сув очиб юборганда атроф қоронғу, ҳали ой чиқмаган эди. Ташвишли хабар милиция ходимларини оёққа тургазди. Зудлик билан тезкор гуруҳ тузилди. Унга туман ИИБ бошлигининг биринчи ўринбосари, милиция капитани Абдужаббор Авлиёкулов раҳбар этиб тайинланди. Гуруҳга милиция сержанти ўрол Холтураевни ҳам киритсан-

**ҲИҚМАТ**  
**Ёмондин узоқ бўл,**  
**яхшига ёндаш,**  
**Умринг зое кетгач,**  
**дилинг бўлур гап.**

# ҚИЗАЛОҚНИНГ ЎЛИМИ

**ёки бир фожиа тафсилоти**

бўйинида мунчоқлариям бор. - Қани? - Ҳу ана у ерга яшириб қўйилган. Юр, олиб бераман. Фарҳод қизалоқнинг жажжи қўлларидан туганича оғилхона томон етаклади. Ҳали тонгдай тоза, биллурдай шаффоф, содда ва маъсума қиз кўп нарсанинг фаҳмига етмасди. Ҳатто, у йигитнинг "Аввал келин-куёв ўйнаймиз, сўнг сенга кўғирчоқни совға қиламан" деган гапларига ҳам кўнди. Нигоранинг ёлғиз умиди бўйинида мунчоқ тақилган чиройли кўғирчоққа эга бўлиш эди. Хирсини қондирган йигитнинг энди кути ўча бошлади. Нигоранинг лўппи юзларию, ёш кўйилиб келган тим қора кўзларига кетмакет тарсаки келиб тушди. Бақирмоқчи бўлган қизнинг оғзига нимадир тикилди. Йигитнинг бакуват қўллари энди сиртмоққа айланди. Ҳозиргина чиройли порлаб турган кўзлар олая бошлади. Фарҳод шунга ҳам қаноат қилмади. Унга қизалоқ қанча тезроқ ўлса, шунча яхши эди. Бир маҳал кўзи девордаги қозикча олиб қўйилган бир боғлам канопга тушди...

Ҳатто, ариқ бошдан-оёқ қараб чиқилди. Бироқ бундан наф чиқмади. Фарҳод ишга бормай кўшникига қўшилиб юрди. Қизик, у ҳаяжонланмас, ҳеч нарса кўрмагандек хотиржам эди. Кеч тушган сайин Беғам акаларникида одам кўпайиб борди. Томорқадаги бугдой сув ичганига ҳали бир ҳафта

да ҳеч кимга сездирмай ўзини оғилхонага урди. Фарҳод бу ердаги шох-шаббаларни авайлаб бир четга олди. Сўнгра тупроқни қовлай бошлади. Жасадни бир чеккага чиқариб қўйиб чуқурни яна тупроқ билан тўлдирди. Устига шох-шаббаларни босиб қўйди. Сўнгра мурдани чопони ўнгирига ўраб кўтариб чиқди. Ҳовлидан ҳолаҳвол сўраб келган одамларнинг гап-сўзлари эшитилиб турарди. Фарҳод ўликни ўрага кўмиб, шу жойга ариқдан сув очиб юборганда атроф қоронғу, ҳали ой чиқмаган эди. Ташвишли хабар милиция ходимларини оёққа тургазди. Зудлик билан тезкор гуруҳ тузилди. Унга туман ИИБ бошлигининг биринчи ўринбосари, милиция капитани Абдужаббор Авлиёкулов раҳбар этиб тайинланди. Гуруҳга милиция сержанти ўрол Холтураевни ҳам киритсан-



бўлмаса ҳам Фарҳод кетмон кўтариб, сув ёқалай бошлади. Ариқ эса Беғам аканинг шундоққина оғилхонаси ортидан ўтган. Ора-

## НОИНСОФЛАР

**Фарғона шаҳар Яссавий кўчасидаги хонадонлардан бирида шу йил 11 январга ўтар кечаси ёнгин содир бўлди. Хонадон соҳиби В. Филатов шу куни меҳмонга бориб, тунаб қолганди.** Мутахассислар ёнгин келиб чиқиш сабабларини ўрганиб, хонадонга кимдир ўт кўйган бўлиши мумкин, деган ҳулосага келишди. Демак, ёнгиндан аввал хонадонга кимлардир кирган. Лекин

улардан биронта из қолмаган. Шаҳар милицияси олдига мазкур жиноятни фош этиш ва айбдорларни қўлга олишдек мураккаб вазифа турарди. 11 январь куни эрталаб хонадон эгаси уйига қайтди-ю, юз берган воқеадан ханг-манг бўлиб қолди. Шаҳар ИИБ 1-милиция бўлинмаси шахсий таркиби оёққа турди. Бўлинма бошлиғидан тортиб, оддий милиционергача - ҳамманинг фикру зикри жиноятни очишга қаратилди. Орадан 3-4 соат ўтгач, бўлинма бошлиғи, милиция подполковниги Муроджон Зубайдуллаев

калаванинг учини топганди бўлди. Шаҳарнинг Яссавий кўчасида яшовчи Василий, Александр ва Сергей исмли йигитлар мазкур жиноятни содир этганликда гумонланиб, далилий ашёлар билан қўлга олинди. Уша тунда уччовлон балкон орқали В. Филатовнинг хонадонига киришади. Бу ердан телевизор, видеоманитофон, аудиоманитофон, мусиқа маркази ва 70 минг сўм пулни ўмариб, хонадон эгасига 1 миллион 300 минг сўмлик зарар етказишади. Ўзларидан қолган ишларни йўқотиш мақсадида хонадонга ўт қўйиб кетишади. **Б. ОМОНЗОДА,** милиция капитани.

## УЧ ОҒАЙНИ БОСҚИНЧИЛАР

**Ярим кеча. Пойтахт кўчаларида машина қатнови анча сийраклашиб қолган. Шаҳар аҳли ширин уйкуда.**

Санъат саройи олдидан Навоий кўчасига чиққан уч йигит йўловчи машиналардан бирини тўхтатдилар. "Тико" русумли автомашина ҳайдовчиси билан Қорасарой кўчасига етиб олиш учун 800 сўм йўл ҳақиға келишдилар. Қисқа вақт оралиғида улар Сариқсув кўчасига яқинлашиб қолишди. Мижозлардан бири шу атрофда тўхтатиб юборишни ҳайдовчидан сўради. Айни дамда орқа ўриндикда қулай фурсат пойлаб ўтирган шерикларидан бири чаққонлик билан ҳайдовчининг бўйнига чанг солиб, уни бор кучи билан бўға бошлади. Яна бири эса кўйнида беркитиб келаётган фишт бўлаги билан бошига урди. Режанинг дастлабки қисми муваффақиятли яқун топганидан мағрурланган жиноятчилар жабрланувчини шу ерда қолдириб, унинг машинасида жуфтакни ростлаб қолдилар. Воқеадан хабар топган милиция ходимлари ушбу жиноятни содир этган шахсларни қўлга олиш чораларини кўришди. "Қамарнисо" ва "Маданият" ИПХ масканларида хизмат бурчини адо этаётган ИПХ ҳамда ППХ ходимлари томонидан босқинчилар ушланди. Улардан ўмиранган автомобил ашёвий далил сифатида олинди. Уч оғайни босқинчилар энди қилмишлари учун қонун олдига жавоб беришади. **С. ХАЛИЛОВ.**

## ОЛМОҚНИНГ БЕРМОҒИ БОР

**120 қоп биринчи навли ун ортилган "ГАЗ-53" русумли автомашина "Хонқадон" дон маҳсулотлари корхонасидан чиқиб, Янгиарик тумани томон йўл олди. Тушга яқин туман очик турдаги савдо ҳиссадорлик матлубот жамиятига етиб келди. Омбор мудир Ш. Шароповнинг кўрсатмасига биноан автомашинадан туширила бошланди. Шу пайт Олимбой исмли йигит омбор мудирини йўқлаб қолди.** - Боғот туманиданман, ўзини таништирди у. - Ун олди-сотдиси билан шуғулланаман. Агар бирга "ишласак", иккимизга ҳам яхшигина фойда қоларди. - Нечта қоп олмоқчисиз? - сўради севинчини сездирмай омбор мудирини. - Нархини келишсак, 80 қоп.

- Йўқ, бу нархга ун сотилмайди, - бош чайқади омбор мудирини. - Узи давлат нархидан 6750 сўм туради. Сиз бўлсангиз... ўзининг нархидан ҳам тушириб юбордингиз. - 7000 сўмданга рози бўларсиз? Бу нарх Ш. Шароповни қониктирса-да, сир бой бермади. Харидор ҳам анойилардан эмас экан, 7000 сўмдан ортиғига унамади. Шаропов 40 қоп унни омборхонага туширтириб, 80 қопини автомашинада қолдирди ва харидордан 560 минг сўмини санаб олиб, чўнтағига урди. Бироқ иши ўнгидан келган харидорнинг ҳам, омбор мудирининг ҳам қувончи узоққа бормади. Ун ортилган автомашинани вилоят ИИБ ЖҚ ва ТҚКБ тезкор ходимлари тўхтатишди. Мутахассислар билан бирга матлубот жамияти омборхонаси тафтиш қилинганда Ш. Шароповнинг "сир"и очилди. У 122 шиша минерал сувни 12 минг 200 сўмга пуллаб, ҳазм қилиб юборгани маълум бўлди. "Шоввоз" жамиятининг жами 552 минг 200 сўмлик маҳсулотларини ўз манфаати йўлида талон-торож қилган экан. У қилмишидан пушаймон бўлиб, жамиятга етказган зарарни тўлалигича қайтаришга мажбур бўлди. **Х. ЖАБОРОВ.**

Ш. Шаропов бели бакуват харидорни ичкарига таклиф қилди. - Ҳозир ун анча танқислашяпти, - гапни узоқдан бошлади у. - "Хонқадон" корхонаси уннинг сифатини ўзингиз яхши биласиз. Хар бир қопига қанчадан тўлайсиз? - Олти минг беш юз сўмдан.

Ўзбекистон Республикаси ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби Ички қўшнлар Бош бошқармасининг бошқарма бошлиғи, подполковник Бахтиёр Тиллаҳўжаевга падари бузруквори <b>МУСАҲОН</b> отанинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдирадилар.	Хоразм вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби бошқарма бошлиғининг ўринбосари, милиция полковниги Отаназар Ёқубовга ўғли <b>БАҲОДИРЖОН</b> нинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирадилар.	Ўзбекистон Республикаси ИИБ Ички қўшнлар Бош бошқармаси раҳбарияти ва шахсий таркиби Бош бошқарма бўлимнинг катта офицери, подполковник А. Азимовга онаси <b>МУҲАББАТХОН</b> аянинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирадилар.	Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби Кегайли тумани ИИБ тезкор вакили, милиция лейтенанти <b>Сапарбой ИСМОИЛОВ</b> нинг фожиали ҳалок бўлгани муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдирадилар.	Қашқадарё вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби ЖҚ ва ТҚКБ катта тезкор вакили, милиция подполковниги С. Очиловга онаси <b>РУЗИГУЛ</b> аянинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирадилар.	Қашқадарё вилояти ИИБ ИҲХБ раҳбарияти ва шахсий таркиби катта инспектор, милиция майори И. Набиевга отаси <b>Ибрагим НАБИЕВ</b> нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирадилар.	Қашқадарё вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби ЖҚ ва ТҚКБ бўлим бошлиғи, милиция майори Ш. Жулановга отаси <b>Шодмон ҲОЖИЕВ</b> нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирадилар.	Ангрен шаҳар ИИБ раҳбарияти, шахсий таркиби ва фахрийлар кенгаши истеъфодаги милиция майори <b>Комилжон ҲАҚИМОВ</b> нинг вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдирадилар.
--	--	---	---	--	--	--	---



# ҲАЙИТ — МЕҲР-МУРУВВАТ БАЙРАМИ

**Пайгамбаримиз (с. а. в) "Ҳар бир қавмнинг ўз байрами бордир, бу кун бизнинг байрамимиз!" деган эканлар Ҳайит кунлари ҳақида (Исмоил ал-Бухорий "Ал-жомий ас-саҳиҳ" китоби). Ҳақиқатан ҳам, ҳайит шодлик ва хурсандчилик кунидир. Аҳли ислом бир йил ичида икки марта ҳайит кунларини байрам қилади. Бу ийди фитр ва ийди қурбондир.**

Мана, Яратганнинг марҳамати билан бу йилги Қурбон ҳайитига етишимизга ҳам санокли кунлар қолди. Бу кунлари қурби келган кишилар Оллоҳ таоло йўлига қурбонлик сўйиши Иброҳим алайҳис-саломдан қолган амал экан. Ал-Бухорийнинг

юқорида зикр этилган китобларида қайд қилинишича, пайгамбаримиз (с. а. в.) "Албатта, мана шу кунимизда энг биринчи қиладирган ишимиз—намоз ўқиғаймиз, сўнг қайтиб бориб қурбон-

лик қилғайдирмиз. Кимки шундай қилғайдир, шубҳасиз бизнинг суннатимизни адо этган бўлур. Аммо,


кимки ҳайит намозидан аввал қўй сўйса, оиласига гўшт тайёрлаб берган бўлиб, қурбонлик қилган

ҳисобига ўтмағайдир", — деган эканлар.

Ушбу кунлари етим-есирларга, бева-бечораларга, фақирларга садақа берган ва ихлос билан тавба-истиғфор қилган кишиларнинг гуноҳлари афв қилинар экан. (Аҳмад Ҳодий

Мақсудий "Ибодати исломийя" китоби. Т. — 1992 йил.)

Ҳайит байрам экан, шу улуг кунлар ҳаром нарсалардан узоқ бўлиб, хушу хурсандчилик қилиш, чиройли либосларни кийиш, хушбўй нарсаларни суриш суннатдир. Яқинлашиб келаётган ийди қурбон муборак, азиз муштарийлар! Оллоҳ таоло замини замонимизни тинч-осойишта, имонимизни мустақкам қилсин. Янаги ҳайит байрамларига етиш ҳар биримизга насиб этсин!



Газетамизнинг ўтган сонида муштарийларимизнинг нашримиз ҳақида фикр-мулоҳазаларини билиш мақсадида анкета эълон қилган эдик. Таҳририятимизга сўровномага жавоблар кела бошлади. Билдирилган таклифларни кейинги ишларимизда албатта ҳисобга оламиз. Қуйида муштарийларимиздан бирининг мулоҳазалари билан танишасиз.

## «ПОСТДА» АНКЕТАСИГА ЖАВОБЛАР

1. Қарийб ўн йилдан бери газетани ўқиб бораман. Унда бир таниш милиционер ҳақида мақола чиққан эди. Шу мақола сабаб бутун газетани ўқиб чиқиб, унга қизиқиб қолганман.
2. 2002 йилдан буён газетага обуна бўляпман.
3. Ҳуқуқ-тартиботни бузаётганлар, ҳатто ички ишлар идораларида ҳам қонунбузарликларга йўл қўётганлар борлиги ҳақидаги дадил мақолалар нашрга ихлосимни оширяпти.
4. Ҳа, 2003 йилда ҳам обуна бўлдим. Сабаби, бу йил ҳам газетада қизиқарли, долзарб мавзуларда материаллар чоп этилишига ишонаман.
5. Милиция билан жамоатчилик ўртасидаги ҳамкорлик, бунга тўсиқ бўлаётган сабабларнинг очилиши айти мудида бўляпти.
6. Деярли ҳар бир сонини ўқиб бораман.
7. Умуман, ҳамма мавзудаги материаллар мени қониқтиради.
8. Ўз мавзу йўналишлари билан газета бошқа нашрлардан фарқланади.
9. Айниқса, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, ёшлар тарбияси мавзусида мақолалар, "Учинчи олам" саҳифалари материал-

лари газетани янада ўқимишли қиляпти.

10. Ижтимоий муаммоларга бағишланган мақолаларни айниқса қизиқиб билан ўқиб бораман.

11. Гарчи бизнинг соҳамиз бошқа бўлса ҳам, газетани мунтазам ўқиб, унда кўтарилган муаммоларни муҳокама қилиб борамиз.

12. Назаримда, нашр ички ишлар идораларида кечаётган ислохотларни ҳам яхши ёритяпти. Бу соҳада изланишларни янада кучайтириш керак.

13. Яқин орада чоп этилган мақолалар ичида Индира Ганди ҳақидаги "Ҳар қатра қоним Ҳиндистонимга бахшида бўлсин!" мақоласини жуда қизиқиб билан муталаа қилдим. Аммо баъзан бўш, қизиқиб уйғотмайдиган хабарлар ҳам учраб туради. "Фалон мақола ёмон" демайин. Ҳар кимнинг таъби.

14. С. Шодиев, М. Тиллаев, Ш. Рўзи, Б. Клейман каби муаллифлар кўпроқ ёдимда қолган. Албатта, улар ҳақида маълумотлар бериб борилса, яхши бўларди.

15. Газетада "Садоқат" номли мақолам чоп этилган. Келгусида ҳам нашр билан ижодий ҳамкорлик қилиш ниятим бор.

Миробид ИНОЯТОВ,  
педагогика фанлари номзоди.

## ҲУРМАТЛИ ҲАМШАҲАРЛАР!

Сиз хизмат сафаридида, меҳмонда, дам олиш оромгоҳларида, кино, театрда, кундалик ташвишлар билан юрган пайтингда хонадонингиз ва мол-мулкингизни жинойий тажовузлардан қим ҳимоя қила оласизми?

Хонадонингиз ва мулкингиз дахлсизлигини таъминлашни истасангиз, марҳамат қилиб, Тошкент шаҳар ИИББ ҳузуридаги қўриқлаш бошқармаси ҳамда туман ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бўлимларига қуйидаги телефон рақамлари орқали мурожаат қилинг:

133-37-83, 34-01-69, 133-01-44.

## КРИПТОГРАММА

Муҳтарам муштарийлар! Ушбу криптограммага ўзбек халқининг улуг шоири ва мутафаккири, буюк олим ва давлат арбоби ҳазрат Алишер Навоий ҳикматларидан икитаси яширилган. Ана шу дурдона фикрларни ўқиш учун аввало маънолари қуйидаги матнда тавсифланган 12 та очкич сўзларни топиб, сўнгра уларнинг ҳарфларини тегишли рақамлари бўйича криптограмма шаклининг хоналарига бирма-бир ёзиб чиқиш керак.

### ОЧКИЧ СЎЗЛАР:

- I. Алишер Навоий таваллуд топган шаҳар — 5, 1, 16, 4, 8.
- II. Саъдий Шерозийнинг Алишер Навоий етти ёшлигидаёқ ёд билган достонининг номи — "24, 14, 22, 1, 3, 8, 4, 2".
- III. "Хамса"нинг беш достонидан бири асосида бастакор М. Ашрафий яратган ўзбек операси — "23, 1, 22, 4, 16, 4, 18".
- IV. "Ўзбекфильм" студиясида суратга олинган "Алишер Навоий" фильмининг режиссёри — 7, 16, 18, 6, 8, 4, 13.
- V. Ҳазрат Навоийнинг мурабийлиги ва

ҳомийлигидан баҳраманд бўлган машҳур ўзбек мусаввири — 25, 19, 5, 12, 4, 23.

VI. "Чор 10, 1, 8, 4, 25 дан тура қочдим, Навоийдан савод очтим" (Бердақ).

VII. Мамлакатимизда улуг шоир достонларидан бирининг қахрамони номи билан аталган шаҳар — 17, 1, 16, 1, 2.

VIII. Ўрта Шарқ мамлакатларида IX асрдан ва Алишер Навоий яшаган даврда ҳам оммалашган спорт ўйини — 15, 6, 13, 24, 4, 2.


IX. "Турки назмида чу тортиб мен алам, Айладим ул мамлакатни як 21,6,22,6,18" (А. Навоий).

X. "Хамса"нинг "Саъбаи сайёр" достонидаги ижобий образлардан бири — 18,6,3,20,14,23.

XI. "Кўнгул маҳзанининг кулфи тил ва ул маҳзанининг калидин — 3,11,12 бил" (А. Навоий ҳикматларидан).

XII. Алишер Навоий ҳаёт давридаёқ унга улуг сўз санъаткори сифатида тожик, эрон, озарбайжон ва бошқа халқлар томонидан кўрсатилган юксак ҳурмат ва иззат-икром — 9,5,8,1,16,4,18.

Тузувчи Ҳамидулла АБДУЛЛАЕВ.



### ЎТГАН СОНДАГИ КРОССВОРДНИНГ ЖАВОБЛАРИ:

- Энига:** 7. Зеби. 9. Меҳр. 13. Фожа. 16. Динор. 17. Келажак. 19. Азиз. 20. Садо. 26. Коранда. 28. Олмос. 29. Адлер. 33. Озон. 35. Шиор.
- Бўйига:** 2. Катет. 3. Лавҳа. 10. Хизр. 11. Кран. 12. Милк. 14. Меринос. 15. Пазанда. 22. Бром. 23. Зарб. 24. Руда. 30. Измир. 31. Солиқ.
- Ёйлар бўйича:** 1. Ибодат. 4. Чистон. 5. Кар-биюратор. 6. Саримсоқов. 25. Планетарий. 27. Технология. 32. Инобат. 36. Иншоот.
- Белгиланган хонадан рақам атрофига соат мили йўналишида:** 8. Демокрит. 18. Чоршанба. 21. Картошка. 24. Мингбоши.
- КРИПТОГРАММА**
- Очкич сўзлар:** 1. Пишанг. 2. Сол. 3. Кўз.
- Мақол:** Гапни оз сўзла, ишни кўп қўла.

<b>ЎЗБЕКISTON</b> <b>RESPUBLIKASI IIV</b> <b>BIRLASHGAN</b> <b>TAHRIRIYATI</b>	<b>Bosh muharrir</b> <b>Shuhrat MURODOV</b>		<b>TELEFONLAR:</b> Bosh muharrir o'rinbosari 139-75-69. Kotibiyat 59-20-96. muxbirlar bo'limi 139-75-69. Buxgalter 139-75-37. Faks 54-37-91.	Tahririyat hisob raqami 20210000700447980001, MFO 00421. «Ipak yo'li» aksiyadorlik investitsiyaviy tijorat bankining Mirzo Ulug'bek bo'limi.	● Ko'chirib bosishda «Postda» dan olinganligini ko'rsatish shart ● Muallifning mulohazasi tahririyat fikriga mos tushmasligi mumkin. ● Qo'lyozmalar tahlil qilinmaydi va qaytarilmaydi.	Obuna raqamlari: Yakkita tartibda — 180 Tashkilotlar uchun — 366 Gazeta haftaning payshanba kunlari chiqadi. Boshiga topshirish vaqti — 20.00. Boshiga topshirildi — 20.00.
	Bosh muharrir o'rinbosari v.b. <b>Murod TILLAYEV</b> Mas'ul kotib <b>R. BERDIYEV</b>	Navbatchi: <b>S. SHAMSIDDINOV</b> Sahifalovchi: <b>Z. BOLTAYEV</b> Musahhihlar: <b>M. AKRAMOVA</b> <b>G. XOLIQOVA</b>	E-mail: urmvd@globalnet.uz	Gazeta O'zbekiston Respublikasi Davlat matbuot qo'mitasida 00007 raqam bilan ro'yxatga olingan Buyurtma Γ — 140. Hajmi — 4 bosma taboq. Bosilish — ofset usulida. 44834 nusxada chop etildi.	«SHARQ» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxonaning manzili: Buyuk Turon ko'chasi 41-uy. 1, 2, 3, 4, 5, 6.	